



MILLIY TIKLANISH

19 (184) ● 2012 йил 9 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган




Сайёҳлик

Мамлакатимиз ўзининг бекиёс тарихий обидалари, бой маданияти ва анъаналари, гўзал ва бетакрор табиати, замонавий шаҳарлари билан дунё сайёҳларини ўзига ром этмоқда. Яқинда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамкорлигида "Мега-инфо-тур" дастури доирасида Тошкент туристик ярмаркаси ўтказилди.



Амир Темурнинг буюк жасорати

Ана шундан кейин Амир Темурнинг вафотига қадар бирон бир хон Мовароуннахрга ҳужум қилиш ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам қўрқадиган бўлди. Мамлакатлар ва кишилар тарихий тин олдилар ва бугун биз "Темурийлар ренессанси" деб атайдиган даврнинг тамал тошлари қўйилди.



Табиат хатоликларни кечирмайди

Дарёларнинг юқори қисмида тўғон, ГЭСлар қуриш ёки уларнинг табиий йўналишини ўзгартириш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Айниқса, трансгегаравий дарёлар сувидан фақат ўз манфаатини кўзлаб фойдаланиш эса халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига зиддир.

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 5 МАЪНАВИЯТ 7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантириш

долзарб вазифага айланиб бормоқда

Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (ИТҚФ), Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси, Миллий паралимпия уюшмаси билан ҳамкорликда ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмаги остида "Узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантиришда оиланинг роли" мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

ИТҚФ томонидан 2012 йил "Ўзбекистонда инклюзив таълим" лойиҳаси доирасида 2 апрелдан 7 майга қадар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда спорт бўйича турли мусобақалар, маҳорат дарслари, онлайн тарзда видеоанжуманлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда имконияти чекланган болалар, ота-оналар, спортчи-паралимпиячилар, давлат идораларидан вакиллар ва ОАВлардан жами 5 минг нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Ўтказилган тадбирларда, соғлиғида имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит яратиш, бу ҳақда аҳолини хабардор этиш, узлуксиз инклюзив таълим бериш ва унинг сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Пойтахтимизда ўтказилган халқаро анжуманда эса мазкур кенг қамровли лойиҳанинг яқини ва натижалари ҳақида маълумотлар берилди.

Халқаро анжуманда мамлакатимиздаги ННТлар, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон каби ўндан ошқ давлатлардан халқаро экспертлар, давлат идоралари вакиллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Мазкур анжуман юртимизда инклюзив таълимни узлуксиз таълим тизимига жорий этиш жараёнидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, имконияти чекланган шахсларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришга кўмак бериши шубҳасиз.

Э.ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish"
муҳбири

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Хотира — абадий, қадр — муқаддас

Пойтахтимизда "Нуроний" жамғармаси ва "Unitel" мобил алоқа оператори ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унга 350 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ва меҳнат фахрийлари тақдиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгашининг раиси Э.Боқибоев, "Unitel" компанияси бош директорининг ўринбосари А.Коланов ва бошқалар мамлакатимизда нуроний отахон ва онахонлар, фахрийларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул муқофотлари, байрам совғалари тантанали топширилмоқда.

— Ушбу дориламон кунларга етганимиз, Ватанимиз равнақини кўриш насиб этганидан биз, фахрийлар гоят хурсандимиз, - дейди Тошкент вилояти Қиёрай туманидан Мўмин ота Атакаев. — Юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда, дастурхонимиз тўкин. Усиб келётган ёшларга тилагим — сиз учун яратилган мана шу улкан шарт-шароитларни қадрланг.

Сардор ТОЖИЕВ,
УЗА муҳбири

"АСРЛАР САДОСИ — 2012"



Асрий анъаналарга замонавий нигоҳ

ДОИРАСИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА



Мамлакатимизда турли халқаро тадбирлар, форум ва лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, "Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми" жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Асрлар садоси" фестивали нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам доврғу қозонди. Халқимизнинг қадрият, урф-одат ва удумлари, фольклор этнографик дасталари чиқишлари, миллий ўйинлар каби турли дастурлардан иборат мазкур фестиваль юртимизга янада ўқтамлик ва гўзаллик бахш этишда давом этмоқда. Қадимий тарихи, бетакрор урф-одатлари, анъаналари, тили, маданияти билан ажралиб турувчи қорақалпоқ замини шу йилнинг 5-6 май кунлари дунёнинг бешта қитъасидан келган азиз меҳмонларни кутиб олди.

8-бет

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Электорат манфаатларини ифода этиш

ДЕПУТАТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

Ватанимиз ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли натижаларга эришди. Айниқса, демократик ўзгариш ва янгиланишлар чуқурлашиб, бугунги кунда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Ана шундай кенг кўламли ислохотлар ва жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ҳам кучайиб бормоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кунини бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада демократлаштириш ва модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этишда тарихий аҳамият касб этди.

Мазкур Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштириш янада чуқурлаштириш каби устувор йўналишлар белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўнлаб қонун лойиҳалари илгари сурилди.

2-бет

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жамиятда сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик


УНИ ОШИРИШ ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси, партия Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида "Сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳлари вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● **ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

Электорат манфаатларини ифода этиш

ДЕПУТАТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)



Концепцияда белгилаб берилган бундай кенг қамровли вазибаларни амалга оширишга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Концепцияда илгари сурилган қонун лойиҳалари устида жиддий ва изчил иш олиб боришмоқда. Фракциянинг аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида илгари сурилган ғоялар, белгиланган вазибаларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик

қўридаги қонун лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб унинг пишиқ-пухта бўлишига ўз ҳиссамизни қўшдик. Депутатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида сайловчилар таклиф-мулоҳазалари ҳам муҳим ўрин тутди. Утган йили барча фракциянинг аъзолари қатори мен ҳам уч маротаба ўз сайловчиларим билан

кучайтирмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси турли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида аниқ чегараларни белгилаш, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш юзасидан жойларда билдирилаётган таклиф ҳамда тавсиялар устида жиддий иш олиб боришмоқда. Партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгаши раиси бўлиб қолган депутатларнинг қўриқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада кучайтириш ҳамда бу партиянинг дастурий мақсадларига ҳамроҳандир. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида демократик партияси ижтимоий, иқтисодий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қатор қонун ва кодекслар қабул қилинди. Мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос қонунчилик базаси яратилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ташкил қилиш тўғрисида"ги фармойиш ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этди. Юқоридаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги юксалишига хизмат қилмоқда. Биз эндиликда ана шу ижобий жараёнларни янги поғонага кўтаришда барча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтирамиз.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида демократик жараёнлар ҳамда сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобат ҳамда кураш кучайиб бормоқда. Ушбу жараёнда ҳар бир партия ўз позициясини ҳамда ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилмоқда. ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам муҳокама қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳасига Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини ҳисобга олиш билан бир қаторда партиянинг ғоя-мақсадлари нуктаи назардан ёндашмоқдалар.

тўғрисидаги Кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида", "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Божжона кодексининг 113-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзалари ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари партияимизнинг ғоя-мақсадлари ҳамда сайловолди ҳаракат дастурига мос бўлганлиги учун фракциянинг аъзолари уларни муҳокама этиш жараёнида фаол иштирок этишлар ва кўплаб амалий таклифларни илгари суришди.

Маълумки, бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида демократик жараёнлар ҳамда сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобат ҳамда кураш кучайиб бормоқда. Ушбу жараёнда ҳар бир партия ўз позициясини ҳамда ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилмоқда. ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам муҳокама қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳасига Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини ҳисобга олиш билан бир қаторда партиянинг ғоя-мақсадлари нуктаи назардан ёндашмоқдалар. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг "Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш" деб номланган моддасининг муҳокамаси жараёнида фракцияимиз аъзолари партия ғояларини изчил ҳимоя қилдилар. Жамоатчилигимизга маълумки, партияимиз ёш авлодни миллий қадриятлар ва аъёнлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳам жисмонан ҳам маънан соғлом авлод бўлиб вояга етишишларига кўмаклашишни дастурий вазифа сифатида белгиланган. Шу боис биз

Мамлакатимиз аҳолиси турли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш юзасидан жойларда билдирилаётган таклиф ҳамда тавсиялар устида жиддий иш олиб боришмоқда.

Биз жойларда бўганимизда халқ депутатлари маҳаллий кенгаши сайланган партия дошларимиз билан ҳам яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Чунки ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги муҳим ҳисобланади. Партияимиз ва унинг депутатлар корпуси "учинчи сектор" дея эътироф этилаётган фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни янада

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясида сайланган барча даражадаги депутатлар ўз фаолиятларида партия Дастури ва сайловолди Платформасида илгари сурилган ғоя ва мақсадлар ҳамда белгиланган вазибаларга таяниб фаолият юритмоқдалар. Чунки партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда депутатлар қатори муҳим ҳисобланади. Партия позицияси, ижтимоий қатлами ҳамда электорати манфаатларини давлат вакиллик органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш депутатнинг бурчи бўлади.

Шавкат БОЛТАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси



ЎзМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаларини қизгин муҳокама қилишмоқда.

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**

Жамиятда сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик

УНИ ОШИРИШ ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинар партия ташкилотлари фаолларига "Миллий тикланиш" демократик партияси раисининг дастурий ғояси ва мафкураси, партия дастурида кўрсатилган принципал вазибаларни кенг омма ўртасида тарғибот-ташвиқот қилиш, жаҳон миқёсида шиддат билан кечаётган сиёсий-мафкуравий тенденциялар моҳияти, партия ташкилотининг жамиятдаги ўрни, унинг мафкура ва ғоясини тарғиб этишнинг янги усул ва ёндашувлари жорий этиш мақсадида ўтказилди.

Тадбирни очган партия вилоят Кенгаши раисининг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосари Солижон Қудратов ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган вазибаларга эътибор қаратди. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти шаклланишининг ҳозирги даврида сайловчилар ва партия хайрихоҳларининг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-

маърифий билим ва кўникмаларини янада ошириш долзарб вазибалардан биридир. Шу нуктаи назардан ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раисининг ўринбосари Жалолиддин Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Қодиржон Одилов ва ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони мафкуравий масалалар етакчи мутахассиси Аслиддин Фуломов "Сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни", "Сиёсий-мафкуравий жараёнларда жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ЎзМТДПнинг долзарб вазибалари", "Сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида партия депутатлик гуруҳларининг ўрни", "Партия электорати манфаатларини амалга оширишда ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган асосий масалалар" каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Семинар давомида иштирокчилар томонидан партия депутатлик гуруҳларининг фаолли-

гини ошириш, партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган мафкуравий, маънавий-маърифий йўналишлардаги тарғибот ва ташвиқот тадбирларини конструктив жиҳатдан юқори савияда ташкил этиш юзасидан таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳафиза ЙЎЛЧИЕВА,
ЎзМТДП Гулистон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:
— Ўқув-семинарда иш фаолиятимиз учун зарур бўлган қимматли тавсия ва таклифларга эга бўлдик. Партия ғоя ва дастурий мақсадларини кенг оммага етказишда янада фаол бўлишимиз лозим.

Муҳаббатхон МУСТАФОҚУЛОВА,
Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати:
— Сайловчилар ва партия электорати манфаатларини таъминлаш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш бугунги куннинг энг

муҳим вазифасидир. Семинарда айтиш мумкин, яъни маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг сессияларида партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳудудлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдириш юзасидан тажриба алмашиш. Ўқув-семинар жуда самарали ва фойдали бўлди.

Омон ФАЙЗИЕВ,
ЎзМТДП Янгиер шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:
— Семинар давомида партияимизнинг бош таянчи бўлган куйи бўғинлар иши самарадорлигини ошириш, партия электорати манфаатини ифода этган масалалар ҳақида тадбирлар ўтказиш юзасидан зарур тавсияларга эга бўлдик. Биз келгуси фаолиятимизда партия етакчилари фаоллигини ошириш, уларни янги сиёсий технологиялардан хабардорлигини таъминлашга катта эътибор қаратишимиз лозим.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● **ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА**

"Ёш сиёсий билимдонлар"

КЛУБИ АЪЗОЛАРИ БЕЛЛАШДИЛАР

Ёшларда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларни ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонини, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифа саналади. Бу борада партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони "Ёшлар масалалари" бўлими ташаббуси билан "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасида турли мусобақа, кўргазма ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

"Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" интеллектуал кўрик-танловнинг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирни очган ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Олима Рўзиева мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:
— Юртимизда мустақилликнинг илк давридан ёшларнинг замонавий билим олиши учун моддий, маънавий ва ҳуқуқий асослар ҳамда шарт-шароитлар яратилди. Натихада фар-

зандларимизнинг илми, дунёқараши, тафаккури ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тубдан ўзгарди. Мазкур кўрик-танлов ёшларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, интеллектуал салоҳиятини намоён этиши, ўларнинг жамиятда муносиб ўрнини топишига кўмаклашишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўйлайманки, ушбу тадбир катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:
— Юртимизда мустақилликнинг илк давридан ёшларнинг замонавий билим олиши учун моддий, маънавий ва ҳуқуқий асослар ҳамда шарт-шароитлар яратилди. Натихада фар-



Кенгаши "Дипломатлар", Вобкент туман Кенгаши "Вобкент" ҳамда Жондор туман Кенгашининг "Парвоз" жамоалари ўзаро бўйича берган жавобларида ҳам яққол кўриниб турди. Яқунда ташриф қарточкаси, куч билан ва тафаккурда, ёшлар мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси каби урта

шартни ижобий натижа билан бажарган ЎзМТДП Қоровулбозор туман Кенгашининг "Ёш сиёсатчилар" жамоаси голиб деб топилди.
Тадбирнинг бадий қисмида янграган куй-қўшиқ ва рақслар, ёшлар иштирокидаги сахна кўринишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фаолият самардорлиги

КЎЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛЛИГИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, айниқса, кўйи бўғинлар ва партия фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини янада яхшилаш долзарб аҳамиятга эга. Бу борада ЎзМТДП Ангор туман Кенгашида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ЎзМТДП Ангор туман Кенгаши тасаруфидида 30 та бошлангич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Гўзал Ҳорова етакчилиги қўлаётган бошлангич партия ташкилоти аъзолари ЎзМТДП дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқда. Ушбу кўйи бўғинда айни пайтда 122 нафар партия аъзоси бирлашган. Бошлангич партия ташкилоти Президентимиз асарлари, сиёсий адабиётлар ҳамда бошқа қўланмалар билан таъминланган.

БПТ ишида ёшларни миллий истиқлол ғояси, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масаласи устуворлик касб этмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур кўйи бўғинида 4 та катта тадбир ўтказилган. Хусусан, БПТ ташаббуси билан ўтказилган "Кўзлар давраси" кўрик-танлови алоҳида аҳамият касб этди. Тадбирда ҳудуднинг фаол ёшлари иштирок этиб, саҳна кўринишлари орқали халқимизнинг миллий қадрият, урф-одат ва аъёналарини тарғиб қилишди.

Таъкидлаш жоизки, партия ғоя-мақсадлари кенг омма орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ижобий самара беради.

— Партияимиз электорати янада яқин бўлиш, улар билан изчил ва мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш мақсадида "Қамолот" ЁИХ туман бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, туман ҳокимлиги, халқ таълими ва бошқа муассасалар ҳамкорлигида мунтазам тадбирлар ташкил этилмоқда, — дейди БПТ етакчиси Гўзал Ҳорова. — Йиғилишларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида партия электорати ва фуқаролардан келиб чиққан тақлифларни ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этиш имконини бермоқда.

Ушбу БПТ фаолиятида яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, етакчилар баҳамжиҳат ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориб, кўйи бўғин ишини доимий равишда жонлантириш бўйича янги-янги йўналишларни топшига интиломоқда. Бу борада Дилором Жумаева, Комил Аралов, Ҳайитгул Саидова, Дилрабо Норкелдиева каби аъзолар фаоллик кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, ЎзМТДПнинг бош мақсади ўз сафига юртининг ватанпарварларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшларда ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиши ва у билан фахрланиш, мамлакатимиз фуқароларида жамиятда кечаётган ислохотлар жараёнига дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қўлашмоқда иборат экан, бу ўз навбатида, бошлангич партия ташкилотлари зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди.

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА



Тарихдан маълумки, аждодларимиз барча соҳалар қатори меъморчилик ва бунёдкорлик борасида ҳам дунёга машҳур бўлган. Бунини кўнра шаҳарларимизда қад ростлаб турган, асрлар оша ўз оҳорини тўкмаган бино ва иншоотлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Озод ва обод Ватан

ШИОРИ ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ

бўлаётган. Ушбу тадбир ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, аждодларимиз аъёналарини давом эттириши учун муҳим восита бўлиши шубҳасиз.

Партия вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳашар давомида "Мандак тепа" зиёратгоҳи ён-атрофини бегона ўтлардан тозалаш, 200 донга гул, 50 та манзарали ва 20 та мевали кўчат экилди.

Қамола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби

ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан Избосқон туманида жойлашган қадимий "Мандак тепа" зиёратгоҳида ҳашар ташкил этилди. Тадбирда партияимиздан сайланган халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Бирлашган" МФЙ фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир "Мандак тепа" зиёратгоҳи тарихи билан танишишдан бошланди. Зеро, мазкур қабридан кўзланган мақсад партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, аждодлар меросини асраб-авайлаш, улардан бизгача етиб келган миллий қадрият, урф-одат ва аъёналаримизни ёшлар ўрта-сида тарғиб қилиш, халқимиз ҳаётининг узвий қисми бўлган ҳашарнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига синдиришдан иборатдир.

— Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ва замонавий иншоотлар барпо этиш ишлари ҳар бир ватандошимиз қалбига юксак ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотади, — деди "Ёшлар қаноти" фаоли Дурбек Исроилов. — Ушбу акцияда учинчи марта иштирок этаётган ва ҳар гал вилоятимизнинг қадимий ғўшалари ҳақида янги маълумотларга эга

ҳамда ҳаққоний тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб келаётган миллий қадрият ва аъёналаримиз, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир, — деди ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Нозима Рўзиматова. — Ушбу акция партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳар йили маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудларда ташкил этилади. Бу йилги акция ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Айниқса, акциянинг 9 май — Хотира ва қадрлар кунини арафасида ўтказилаётгани катта аҳамиятга эга.

Тадбирда ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши фаоллари ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ислоббек КУТДИНОВ,
ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши етакчи мутахассиси

Истиқлол шарофати билан

миллий қадриятларимиз, бой тарихий, маънавий ва маданий меросимиз, аъёна ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Буюк аждодларимиз мангу кўнм топан муқаддас зиёратгоҳлар ўзимизга, ўзлгимизга мос ҳолда шарқона меъморий ечим ва услубда сайқал топди. Олим-уламоларга бешик бўлган кўнра ва навқирон шаҳарларимиздаги тарихий обидалар қайта реконструкция қилиниб, юртимиз кўрқига кўрк кўшмоқда.

Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчилари ва аъзолари иштирокида Юнусобод туманидаги эраимизнинг III-IV асрларига оид "Оқтепа" тарихий археологик ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2200 йиллик тарихга эга кўнра Шош бугун ҳам дунё ахли, сайёҳларни ўзига ром этиб, қадимий осори атиқалари, тарихий қадамжолари, ўтмишдан сўзлагувчи археологик объектлари билан жаҳон маданий меросини бойитмоқда.

Халқимизнинг ўзига хос бетақдор аъёналаридан ҳисобланмиш ҳашар кўринишида ўтказилган тадбирда қадим-аътрофи тозаланиб, манзарали кўчатлар ўтказилди.

ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Мамлакатимизда сўнги йилларда демократик жараёнлар изчил ривожланиб, шунга монанд равишда сиёсий партияларнинг жамият ҳаёти ва қонунлар қабул қилишдаги ўрни ва роли, уларга қўйилаётган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Зеро, жамиятда демократик ислохотларнинг янада жадаллашуви бевосита сиёсий партиялар фаолияти билан узвий боғлиқ.

Албатта, давр ҳар бир партия ташкилоти, шу жумладан, уларнинг таянч томирларидан бири бўлган депутатлик гуруҳларидан ҳам аниқ, фаол сиёсий позиция, жадал савий-ҳаракатни талаб этаётган бир даврда, бу ваколатли вазифанинг бор масъулиятини тўлиқ англаб етмаган, номигагина фаолият олиб бораётган депутатлик гуруҳлари ҳам учраб турибди.

Келинг, фикримизни далиллашга ҳаракат қилайлик. Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашида 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улардан 5 нафари ЎзМТДП вакиллари. Ўтган даврда туман Кенгашининг 12 та, жорий йилда эса 1 мартта сессияси бўлиб ўтган.

Мазкур йиғилишларда бор-йўли 1 марта, яъни ўтган 2011 йилдагина ЎзМТДП ваколатли вакили мақомини зиммасига олган депутатлар ташаббус билан чиқишган, холос. Туманда фойдаланиш учун топширилаётган сервис хизмати тизмини ривожлантириш орқали

ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлаш тақлифи ЎзМТДПчиларнинг юксак ғоялари олдидан бор-йўли денгиздан томчи, холос?

Бугунги кунда Янгиобод туманида 25 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг электорати, деб ҳисоблайдиган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ҳам улар орасида муайян қисмини ташкил этади. ЎзМТДП томонидан эътироф этилганидек, бундай фуқароларни фаол меҳнат жараёнига, оилавий тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш партиянинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу билан яна бир муҳим вазифа ҳал этилади. Яъни, ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар ўз меҳнати, оилавий тадбиркорлиги ҳисобидан оиласи фарворчилигини таъминлар экан, улар ижтимоий нафақа олувчида бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари жам-

Сайловчи ишончи ва электорат манфаати

ДАРЗ КЕТМАСИН ЁКИ ТАШАБУСГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

фармаларни тўлдиришга ҳисса қўлувчи шахсга ҳам айланади. ЎзМТДПчилар фикрича, бу ўз навбатида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши ва ички истеъмол бозорининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда хизматлар билан бойишига хизмат қилади. Лекин бу мақсадлар ижросини таъминлаш йўлидаги аниқ тақлик ёки ташаббус қани? Ёки ХДПнинг бундай юксак мақсадларидан Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи беҳабарми? Агар бохабар бўлишганида партия депутатлик гуруҳи ўтган шунча вақт давомида бу борада бирор бир ташаббусни илгари суришармиди, амалий ишга қўл уришармиди...

ЎзМТДПнинг халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашида 6 нафардан иборат депутатлик гуруҳи мавжуд. Партиядан сайланган депутатлар ЎзМТДПнинг Дастури ва сай-

ловолди Платформасида белгиланган вазифалар ва электорат манфаатларига қаратилган ташаббуслар билан сессияларда фаол иштирок этишмоқда, деб айта олмаसाқда, лекин улар ўтган йили партия ижтимоий

Мазкур йиғилишларда бор-йўли 1 марта, яъни ўтган 2011 йилдагина ЎзМТДПнинг ваколатли вакили мақомини зиммасига олган депутатлар ташаббус билан чиқишган, холос. Туманда фойдаланиш учун топширилаётган сервис хизмати тизimini ривожлантириш орқали ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлаш тақлифи ЎзМТДПчиларнинг юксак ғоялари олдидан бор-йўли денгиздан томчи, холос?

қатлами манфаатларига мос учта, бу йил эса битта ташаббусни илгари суришди. Бирок, бундай ташаббуслар кўпроқ ва аниқ мақсадларга қаратилган бўлиши зарурлиги, депутатларимиз сайловчилар олдидан доимо масъулият сезишларини

таъминлаш борасидаги амалий ишларимиздан қониқиш ҳосил қила оламизми, деган саволларни депутатлик гуруҳлари аъзолари ўзларига бериб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Оилада ҳуқуқий маданият

УНИ ЮКСАЛТИРИШ БУГУННИНГ ТАЛАБИ

ФАРҒОНА

ЎзМТДП Фуқрат туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Оила мустаҳкам экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янги bosқичга кўтарди, — деди ЎзМТДП Фуқрат туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси М.Мадярова. — Зеро, ҳар бир мамлакат тараққиёти ўша юрда аёлларга берилаётган эътибор ва оилалар мустаҳкамлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Юртимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар боис, айни пайтда, хотин-қизларимиз фарзанд тарбияси, оила юмушидан ташқари жамоат ишлари ва давлат қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Давра суҳбатида сўз олганлар мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларга эътибор қаратдилар. Шунингдек, бугунги ўзбек аёли амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига, Ватан тақдири, жамият равнақига бефарқ эмаслиги, улар барча жабҳаларда ўз иқтидорларини тўла намойён этаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда ЎзМТДП Фуқрат туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими ва "Ингичка" МФЙ фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

ҚАШҚАДАРЁ

Юртимизда истиқлолнинг илк давридан иқтисодий соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар аҳолининг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг ишончли ва самарали эканлигини исботлаган беш тамойилга асосланган ривожланишнинг "ўзбек модели" соҳада эришаётган ютуқларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш, соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Мазкур соҳадаги ишларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида ЎзМТДПнинг ҳудудий партия ташкилотларида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Яқкабоғ туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Тадбиркорлик — фаровонлик манбаи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, туман ҳокимлиги ва Бандиликка қўмаклашувчи маркази ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тадбиркорлик мамлакатимизда қадимдан қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, оила фаровонлиги, жамият тараққиётини таъминлашнинг муҳим мезони бўлиб келганини таъкидладилар.

— Бугунги кунда битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш олдимида турган долзарб масалалардан биридир, — деди ЎзМТДП Яқкабоғ туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси С.Шовриқов. — Бу борада туман бандликка қўмаклашиш маркази ва банклар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш ижобий самара бериши шубҳасиз. Ушбу тадбир ҳам айни масалаларга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

ХОРАЗМ

ЎзМТДПнинг Хоразм вилоятидаги ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий, ҳуқуқий билиминини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Уларда қонунлар мазмун-моҳияти кенг тушунирилмоқда.

ЎзМТДП Хазорасп туман Кенгаши томонидан "Истеъмолчи ҳамиша ҳақ" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда партия туман Кенгаши ва бошлангич партия ташкилотлари етакчилари, Хазорасп шаҳарча фаоллари, назорат органи ходимлари, ДСЭНМ вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

— Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартини саналади, — деди ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгаши депутати Д.Юсупова. — Жорий йилда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги зарур ҳуқуқий механизмларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда вилоят ёшларини, биринчи навбатда, ёш оилаларни ижтимоий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Давра суҳбатида ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини англай олса, хизмат кўрсатишнинг сифат ва самардорлиги ортиси таъкидлаб ўтилди. Истеъмолчиларга касса чеки, пластик қарточка билан савдо қилиш ва товар-маҳсулотнинг сифати тўғрисида мувофиқлик сертификати талаб этилиши зарурлиги тушунирилди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусидаги тадбирда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори ҳамда партия дастури ва сайловолди Платформасида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ролини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда оилалар мустаҳкамлиги, хусусан, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, фарзанд тарбиясида миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизнинг аҳамияти хусусида ўз нуктаи назарини баён эттиди.

Йиғилиш доирасида ёшлар томонидан мавзуга оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● **ЭЪТИБОР**

Фахрийлар эъзозда

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тадбир бўлиб ўтди. Унга компанияда узоқ йиллар меҳнат қилган бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар тақлиф этилди.



нашчилари ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадлар жамулжам. Шу боис, бугун компаниямиз фахрийларини тақлиф этдик. Зеро, улар биз учун қадимиз эътибор, эътироф ва ҳадрлашга лойиқ инсонлардир.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳар икки жаҳада жасорат кўрсатган, соҳа тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилган, эндиликда нафақа гаштини сураётган компаниянинг собиқ ходимлари билан учрашуви, улар тажрибалари билан ўртоқлашиш, айниқса, ёш кадрлар учун намуна ва сабоқ бўлиши шубҳасиз.

— Нафақага чиққанга 16 йил бўлди, - дейди компаниянинг фахрий ходими М.Исмаилов. — Утган йиллар давомида юртимизда, жумладан, матбуот соҳасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Матбуот соҳасида 40 йилдан зиёд фаолият юритган бўлсамда, лекин ҳеч қачон бугунгидек имконият ва шарт-шароитларга эга бўлмаган эдик. Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Бир пиёла чай устида ўтган тадбир сўнггида уруш ва меҳнат фахрийларига пул мукофоти ва эсдалик совғалари берилди.

Ўз мухбиримиз

● **ЯРМАРКА**

Инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

3-5 май кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспонар-каз” мажмуасида V Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган ушбу нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



ғия бузилишини олдини олишда қўл келади. Бу илмий ишланмани СамДУ аналитик кимё кафедраси профессори Эргаш Абдурахмонов раҳбарлигида амалга оширилмоқда. “Шўртангазкимё” мажмуаси ҳамда газ-юлтирилган ва сиқилган суз шабоҳчалари билан шартномалар имзолади.

Ғайрат ҲАҚИМОВ, Урганч Давлат университети илмий ишлар бўйича проректори:

— Университетимиз олимлари ва талабалари ҳар йили ярмаркада фаол иштирок этишади. Бу йил 20 та лойиҳамиз билан маҳаллий хомашёлар ёрдамида металл юзаларини кимёвий таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган ишланмаларимиз. Ҳозирда бу жараён Навоий Кон металлургия комбинати ва “Урганч” ОАЖ да қўлланилмоқда. Яна бири, таълим жараёнларини автоматлаштирилган тизими дастуридир. Биз университетда олиб бориладиган ишларни электрон тизимга ўтказдик.

Кўргазма-ярмаркада тақдим этилган ишланмаларнинг 154 таси санаот, 55 таси қишлоқ ҳўжалиги, 85 таси тиббиёт ва фармакология, 56 таси ахборот технологиялар, 16 таси эса фан-таълим соҳасига тегишли. Бу эса, бугун Ўзбекистонда иқтисодиёт ҳамда ишлаб чиқариш соҳасининг барча тармоқ ва йўналишларида маҳаллий мутахассис ва тадқиқотчилар томонидан яратилган интеллектуал мулк воситаларидан кенг фойдаланилаётгани асос бўлади. Қувонарли жиҳати, бу каби тадбирларда ёш олимлар иштироки ҳам тобора кенгайиб бораёпти. Масалан, бу кал улар 75 та, шу жумладан, “Келахак овози” республика танлови ғолиблари 15 та лойиҳани тақдим этишди. Шунингдек, павилонлардан “Технологиялар трансфери” ҳамда “Оилавий бизнес” бўлимлари лойиҳалари ва ғояларига ҳам кенг ўрин ажратилди. Ярмарка доирасида эса 3 та илмий амалий анжуман бўлиб ўтди.

Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

● **ТУРИЗМ**

Туризм XXI аср бошида кўлаб дунё давлатларининг иқтисодий-ижтимоий соҳадаги илғор йўналишларидан бирига айланди. Қолаверса, мазкур соҳа кўлаб давлатларнинг иқтисодий ривожланишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Европа мамлакатлари орасида Франция дунёдаги энг кўп сайёҳлар келадиган давлатлардан бири ҳисобланади.



Сайёҳлик

ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

вожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги туристик маҳсулотларни яратиш, шу билан бирга жойларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича кўлаб ишлар амалга оширилган, - деди қўмита раиси Абдуғафур Маматов. — Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида юртимизда туристик хизматлар кўрсатиш суръати 27 фоиз, туристларга хизматлар кўрсатиш ҳажми 6,6 фоизга ошди. Бугунги кунга келиб юртимизда 782 та туристик ташкилот фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 294 таси меҳмонхона ва 450 га яқини туроператорлардир.

Юртимизда келадиган сайёҳларнинг оқимини янада кўлайитириш мақсадида Ўзбекистон бўйлаб “Мега-инфо-тур” янги маркетинг лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Буюк Британия, Россия, Австрия, Голландия, Венгрия, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг 214 та янги туристик компаниялари жалб этилди.

— 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирларини янада кўлайитириш мақсадида Ўзбекистон бўйлаб “Мега-инфо-тур” янги маркетинг лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Буюк Британия, Россия, Австрия, Голландия, Венгрия, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг 214 та янги туристик компаниялари жалб этилди.

ни яқиндан танийди, юртимизнинг жаҳон туризм майдонидagi ўрни ва нуфузи янада ошади. Шу ўринда статистик маълумотларга назар ташласак. 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида туристик экспорт билан боғлиқ хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,9 фоизга ошган ва ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2011 йилнинг 6 ойида икки бараварга ўсиб 1,8 фоизни ташкил этди. Юртимизда замонавий туризм имкониятларининг ўсиши эвазига меҳмонхона ва туристик бизнес йил сайин ривожланиб бораётганини кўрсатади.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада йилга 700 минг нафар хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қабул қилиш имконига эга бўлган меҳмонхоналар сони 294 тани, хоналар фонди 10,5 мингта, жойлар сони эса 18,7 мингта ташкил этди. Сайёҳлар кўп келадиган минтақаларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2011-2012 йилларда Бухоро вилоятида 5 та, Қашқадарё вилоятида 9 та, Сурхондарё вилоятида 4 та, Самарқанд шаҳрида 5 та, Хоразм вилоятида 7 та меҳмонхона қурилиши режалаштирилмоқда.

— Юртимизда туризм соҳасида олиб бориладиган таълимий ишлари шуни кўрсатадики, - дейди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Урал Хайитов. — Амалиётчилар ва туристик ташкилотлар олдида минтақалардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий

қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни ривожлантириш учун жойлардаги ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштириш каби вазифалар турибди. Шунингдек, сайёҳлар учун транспорт хизматини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш лозим. Ҳозирча чет эл сайёҳлари асосан ҳаво транспортидан фойдаланмоқда. Шу боис, юртимизда автомобиль транспорти фаолиятини янада жонлантиришимиз, хавфсизлик чораларини кучайтириш зарур. Ресторан ва ошхоналарда сайёҳлар таъбиға кўра таомлар тайёрлаб бериш, улар учун барча шарт-шароитларни яратиш керак. Аксарият бар ва кафедраларда овқатланиш жойлари европалашган, бу яхши, лекин туристларни кўпроқ миллийлик, ўзбекна таомларимиз, миллиянинг урф-одатлари, куй-қўшиқлари қизиқтиради. Бу борада ҳам қизиқарли тадбирларни доимий равишда ташкиллаштириш фойдадан холи бўлмайдиган, албатта.

Соҳада эришилаётган бу каби натижа ва изланишлар мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришни талаб этади.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

● **ТАЪЛИМ**

Тиббиёт таянчлари

КОЛЛЕЖЛАРДА ТАЙЁРЛанаДИ

Келгуси авлоднинг ҳар томонлама пухта билим эгаллаши, баркамол шахс бўлиб воғга етиши бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан саналади.

Бу борада Каттақўрғон тиббиёт коллежида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, касбга йўналтириш бўйича салмоқли ишлар бажарилаётир. Тиббиёт бирлашмалари билан ўрнатилган ҳамкорликлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Коллеж-жимизда бугунги кунда “Ҳамширалик иши”, “Стоматология иши”, “Акушерлик иши”, “Фармация иши”, “Даволаш иши” бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 2500 дан ортиқ ёшлар таҳсил олмақда. Ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни бугунги кун талабига мос мутахассислар қилиб тайёрлаш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури каби ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида коллеж ўқитувчилари мавжуд

тажриба ва билимларидан унумли фойдаланишмоқда. Ўқитувчиларимиз ноанъанавий усулларда дарс ўтиш орқали ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасида билим олишларига ҳисса қўшиляпти. Шунингдек, улар дарс пайтида билим масканимизда мавжуд имконият ва шарт-шароитлардан ҳам ўрнида фойдаланишади. Бу ишда уларга замонавий техник жиҳозлар ва кўргазмалар куруллар қўл келаяпти. Ўқувчи камолотида ўқитувчининг нафақат назарий ва амалий билим бериши, балки ҳар жиҳатдан атрофдагиларга ўрнак бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўқувчилар онгиде танлаган касби бўйича чуқур билимга эга бўлиш, касбга меҳр, ўз бурчларига садоқат ҳиссини уйғотишда бу жиҳат аниқ қўл келади. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунга очик маънавий-маърифий соатлар мисол бўла олади.

Қолаверса, коллежда таълим қилинган ишларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга ҳам эътибор қаратилган. Уларни турли тадбирлар ва курик-танловларга жалб этамиз. Бу билан уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялабгина қолмай, танлаган мутахассислигига меҳр-муҳаббат уйғотамиз. Юртбосхонимизнинг қарорига асосан бизнинг коллежда ҳам Ахборот-ресурс маркази ишга туширилиб, тўлиқ жиҳозланди. Ҳозирда АРМ 50 мингдан ортиқ ўқув адабиётлари, 12 та компьютер, 70 дан ортиқ ўқув электрон компакт-дисклар билан жиҳозланди. Ўқув юртимизда хотин-қизлар кенгаши томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, йигит-қизлар ўртасида ахлоқий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйишга жиҳдий аҳамият берилди. “Балли, қизлар”, “Икбол” сингари курик-танловларнинг ўтказилиши бу борадаги ишларимизнинг бир кўриниши, холос. “Меҳмон кутиш сирлари”, “Озодалик - бу тани-сиҳатлик”, “Менинг гулларим”, “Дўстлик - бу поклик туйғу” каби давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ва учрашувларнинг

ташкил этилиши ёшларимиз камолотида муҳим қадам ҳисобланади.

Коллежимизда ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш борасида турли спорт мусобақалари ташкил этилиб, ихобий ютуқларга эришилмоқда. Спорт соғломлаштириш тренажёр ўқув хонаси, катта теннис майдонлари ишга туширилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол, стол тенниси, енгил атлетика каби спорт турларини ўтказиш бўйича коллежимиз шаҳардаги таянч маскан ҳисобланади. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида қизлар волейбол жамоаси юқори кўрсаткичларга эришиб, голибликни сақлаб келмоқда. Бугунги кунда 5 нафар ўқувчи-қизларимиз Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатларида иштирок этиш учун ҳозирлик кўришмоқда. 2 нафар йигитларимиз эса “Карата киокишинунака” республика чемпионатида иштирок этиб олтин ва кумуш медаллар соҳиб бўлишди. Дарвоқе, коллежнинг ўз “Хотира” майдони бор. Ҳар йили 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига ўқувчиларимиз ёд этиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга гапириб бериш, уларнинг оила аъзоларини тақлиф қилиш аънава тусига кирган.

Ҳикматилла ШУҚРОВ, Каттақўрғон тиббиёт коллежи директори

МАЪНАВИЯТ

● 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Меҳр-эътибор оғушида

Андижон вилояти Бўз туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қўчқорбой ота Юнусов хонадони айни кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Маҳалла фаоллари, шоғирлар, нева-чеваралар байрам арафасида Қўчқорбой отани тез-тез йўқлаб туришибди. Отанинг чехрасидан бугунги ҳаётидан шукроналик, дорилмомон кунларнинг роҳат-фароғатидан шодумонлик туйғуси аримайди.

— Юртимизда инсон қадрини эъозлашга йўғрилган бундай шодийна кунлар кишини ҳаётдан янада завқланиб яшашга ундайди, — дейди Қ.Юнусов. — Нева-ра-чевараларимга бугунги дорилмомон кунларимизнинг қадрига етишлар, деб уқтираман. Юртбошимизнинг биз фахрийларга кўрсатаётган доимий ғам-хўрлидани кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган суратлар

1387 йилнинг кузи. Охириги ўн йил ичида тинчлик ҳукмрон, аҳоли ташқи душманлар ҳужумлари ва ўзаро урушлардан бир оз тин олган. Буюк Амир Темур юришида. Шаҳаншоҳнинг куч ва қудратда унга тенг келадиган душманлари йўқ. Буюк Темурга пойтахтдан чопар келганлиги ҳақида хабар берилади. Чопар Мовароуннаҳрдан бўлиб, ўн етти кунда икки ярим минг чақирим йўл босиб келган.

Чопар олиб келган хабарлар ташвишли бўлиб чиқди. Олтин ўрда хони — Тўхтамиш Мовароуннаҳрга ҳужум қилган эди. Темурнинг катта ўғли Умар Шайх Мирзо Олтин ўрда қўшинларини ўтрор бўсағасида тўхта-та олмаган, Андижонга чекинишга мажбур бўлган. Бухоро қамалда қолди. Самарқанд хавф остида эди. Охириги 150 йил ичида мўғул-татарлар нечанчи марта Мовароуннаҳрга ҳужум қилишди. Ва бехисоб ўлдирешлар, талашлар, асирга олиш давом этмоқда.

Шунда Амир Темур Эрон юришидан кескин Мовароуннаҳрга қайтди. Буни эшитган Тўхтамиш кўрқоқларча қочади. Лекин кейинги 1388 йили Тўхтамиш яна Мовароуннаҳрга бош суқди. Ва яна Амир Темурдан энгилиб қочишга мажбур бўлди. Бу сонсиз қарқчилик ҳужумлари ўлкани хароб қилаётганини, унинг ҳукмронлиги натижалари йўққа қаққатганини кўрган Амир Темур масалани узил кесил ҳал қилишга қарор қилди.

Стратегик жиҳатдан вазият аниқ — бу саҳройлар билан тинчлик йўли билан мурося қилиб бўлмайди. Шундай экан — янги ҳужумларни кутиб ўтириш мумкин эмас. Кескин ҳужум қилиш йўли билан Дашти Қипчоқ ичкарисига юриш ва шу орқали йирткич Олтин ўрданинг юраги-га найза санчиш керак.

Лекин бу юришининг Амир Темур ҳаётидаги энг қийин сафар бўлиши ҳам ойдин. Шу сабабли Темур бу юришга уч йил давомида тайёрланди. Биринчи бўлиб соҳибқирон Умар Шайх Мирзонинг энгилиш сабабларини текширди. Умар Шайх Мирзо бир қатор мардлик кўрсатганлар қатори оқланди ва рағбатланганди. Умар Шайх Мирзонинг саркардаларидан бири — Кун Мулки ўтрор остида кўрсатган жасорати учун мукофотланди. Кўрқоқлик қилганлар эса жазоланди.

Темур ҳарбий ва сиёсий дипломатик чоралар билан Мўғлистон хонларини тинчлантирди. 1390 йилнинг баҳоринда Темур Мўғлистон хони Камариддин Тўхтамишни қўллаб-қувватлагани учун жазоланди. Камариддин Балхаш кўлининг жанубида энгилади ва қочиб кутулади. Темур Хоразм ва Хуросонни тинчлантиради, қўшинларини мустаҳкамлайди. Тошкентда йирки захира базасини ташкил қилади.

1390 йилнинг кузида Соҳибқирон қурултой чакиради. Ушбу қурултойда Тўхтамиш устига юриш қилиш масаласи кўриб чиқилади. Унга қарши 200 минг кишилик армияни қарши қўйишга қарор қилинади. Темур Тошкентга қўнади, қўшинни Тошкент атрофида йиғиш ҳақида буйруқ беради.

Ва ниҳоят, 1391 йилнинг 19 январиди, кишининг ўртаси, бу пайтда ҳеч ким ҳарбий юриш қилмаслигига, бунинг ҳарбий қондаларга тўғри келмаслигига қарамасдан Тошкентдан буюк ҳарбий юришга чиқади.

Дашти Қипчоқ бўйлаб (бу ҳозирги Қозғистон ҳудуди) қишда, қор-бўронда, изғиринда икки юз минг кишилик қўшинни бошлаб бориш қанчалик мушкул эканлигини кўпчилик тасаввур ҳам қила олмайди. Лекин Амир Темур ва унинг қўшини юришда давом этди. Юрганда ҳам ярим йил давомида юришди. Улар қишда ҳам, баҳорда ҳам, барча ўт-ўлан қовжираб

● ТАРИХ

Амир Темурнинг буюк жасорати



қолган ёзда ҳам юришда давом қилишди. Улар ушбу дахшлати чўл бўйлаб 3 минг км. йўл босиб, Тобол дарёсигача етиб боришди. Тўхтамиш ва унинг қўшини эса яширинар, нима қилиб бўлса ҳам жангга кирмаслиққа ҳаракат қилар эди. Улар Мовароуннаҳр қўшинини жангга қадар кучсизлантиришга ҳаракат қилишар, уларни адоқсиз сафарда толиқтиришга интилишар эди. Тўхтамиш чўлнинг ичига қонғанидан қочар Темур эса қўшинлари билан уни толмай қувишда давом этар эди.

Ушбу юриш Амир Темур ва унинг қўшини учун энг қийин юриш бўлди. Қўшин очликдан азият чеқди. Кунлик озуқа кундан-кун озайиб борар эди. Аскарларга бир туюр нон билан гиёҳ аралаш бир оз гўшт берилар эди. Буюк Амир Темур барча учун, ҳатто барча мақомдаги кўмондонлар учун ҳам гўшти қўмондонларга қочди. Амир Темур Олтин ўрдани ўз салтанатига қўшиб олишни истамагани сабабли уни Тўхтамишнинг уч душмани — Идеге хон, Қутлуг-ўғлон ва Кунча-ўғлонга бўлиб берди.

Тўхтамишнинг қувиш ортидан Жилончиқ ва Қора Тўқай дарёларини икки марта кечиб ўтирди. Ҳатто қўшин Тўхтамиш билан жангда эмас, балки очликдан қирилиши мумкинлиги хавфи ҳам пайдо бўлди. Ва Амир Темурнинг буйруғи билан 6-7 майда катта шикор (черга) уюштирилди. Қўшин икки кун давомида чўл хайвонларини бир жойга тўплади. Икки кун деганда иш тугалланди. Амир Темурнинг ўзи овни бошлаб берди. Натижада қўшин озиқ-овқат билан таъминланди. Очлик эҳтимоли йўқотилди.

Юриш деярли 6 ой давом этди, 3000 км.дан ортиқ йўл босилди, лекин рақиб кўринмади. Разведкачилар барча жойдан ёв қўшини изларини топишга уринишди, лекин бундан бир нима чиқмади. Тобол дарёси атрофларида Амир Темурнинг қўмондонларидан бири Шайх Довуд бир неча ёв хуфяларини тутиб олди. Уларнинг сўзларидан Тўхтамишнинг ўрлодан фарбоқда эканлиги аниқлашди. Умар Шайх Мирзога 20000 отлик олиб Тўхтамишга етиб олиш ва унга ҳужум қилиш буюрилди.

Ва ниҳоят, 1391 йилнинг 18 июнида (баъзи манбаларга кўра, 19 июнда) Амир Темурнинг қўшини Тўхтамиш қўшини билан Волга дарёси шарқига тўқнашишди. Тасаввур қилинг: Кундузча деган жойда (ҳозирги Самара ва Чистополь яқинида) охириги бир ярим аср давомида Шарқий, Марказий ва Жанубий Европа, Яқин ва Ўрта Шарк ва Марказий Осиё мамлакатларини қақшатиб келган Олтин ўрда қўшини турибди. Улар яхши тайёрланган ва дам олган. Ик-

кинчи томондан эса — 3 минг км.дан ортиқ машаққатли йўлни босиб келган Амир Темур қўшини.

Айнан ана шунда 3 минг км. ортиқ йўл босиб келган қўшиннинг жанговарлигини сақлашга қодир бўлган Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати кўринади.

Бир томонда тўқ ва уст боши бут қўшин, иккинчи томондан эса, устбошларнинг тўқислиги билан мақтана олмайдиган бошқа бир қўшин. Лекин ана шу иккинчи қўшин бу ерга нима учун келганлигини яхши билди ва бу унинг асосий қуроли. Бундан ташқари, иккинчи томонда ўша пайтлар қўшинларида бўлмаган яна бир қурол — ўз кўмондони ҳарбий маҳоратига ишонч қуроли ҳам мавжуд.

Тўқнашув уч кун давом этди. Бу кучи ва ҳарбий тайёргарлик даражаси бўйича тенг бўлган икки қўшиннинг тўқнашуви эди. Амир Темурнинг тўқнашувини — Амир Темурнинг ҳарбий тажрибаси бўлди. Сон жиҳатдан устунлиги ва яхши дам олган бўлишига қарамасдан Тўхтамиш қўшини яқсон қилинди. Амир Темур галаба қозонди, Олтин ўрда қўшини яқсон қилинди, Тўхтамиш яна шармандаларча қочди. Амир Темур Олтин ўрдани ўз салтанатига қўшиб олишни истамагани сабабли уни Тўхтамишнинг уч душмани — Идеге хон, Қутлуг-ўғлон ва Кунча-ўғлонга бўлиб берди.

Ана шундан кейин Амир Темурнинг вафотида қадар бирон бир хон Мовароуннаҳрга ҳужум қилиш ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам қўрқадиган бўлди. Мамлакат билан таъминланди. Очлик эҳтимоли йўқотилди.

Юриш деярли 6 ой давом этди, 3000 км.дан ортиқ йўл босилди, лекин рақиб кўринмади. Разведкачилар барча жойдан ёв қўшини изларини топишга уринишди, лекин бундан бир нима чиқмади. Тобол дарёси атрофларида Амир Темурнинг қўмондонларидан бири Шайх Довуд бир неча ёв хуфяларини тутиб олди. Уларнинг сўзларидан Тўхтамишнинг ўрлодан фарбоқда эканлиги аниқлашди. Умар Шайх Мирзога 20000 отлик олиб Тўхтамишга етиб олиш ва унга ҳужум қилиш буюрилди.

Ва ниҳоят, 1391 йилнинг 18 июнида (баъзи манбаларга кўра, 19 июнда) Амир Темурнинг қўшини Тўхтамиш қўшини билан Волга дарёси шарқига тўқнашишди. Тасаввур қилинг: Кундузча деган жойда (ҳозирги Самара ва Чистополь яқинида) охириги бир ярим аср давомида Шарқий, Марказий ва Жанубий Европа, Яқин ва Ўрта Шарк ва Марказий Осиё мамлакатларини қақшатиб келган Олтин ўрда қўшини турибди. Улар яхши тайёрланган ва дам олган. Ик-

кинчи томондан эса — 3 минг км.дан ортиқ машаққатли йўлни босиб келган Амир Темур қўшини.

Бахтиёр ЭРГАШЕВ, сиёсатшунос

● МУЛОҲАЗА

Комил инсон тарбияси

унда ажодлар маънавий мероси алоҳида аҳамият касб этади

Инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис баркамол авлодни вояга етказиш ҳар бир миллат олдидаги муҳим устувор вазифалардан саналади. Унда инсонийликнинг энг олий мезонлари жамулжам бўлган халқ эпослари, афсона, ривоят, достон, эртақ ва ҳикоялари, миллий қадрият, анъана ҳамда урф-одатларнинг ўрни бекиёс. Уларда халқимиз ҳар томонлама идеал қаҳрамонларини шакллантиради ва фарзандларини ана шу тинчликда хос ҳислатлар руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади. Айнан шу маънода юртимизда ёшларни баркамол қилиб тарбиялашда боболаримиздан қолган буюк маънавий меросдан унумли фойдаланиш керак. Айниқса, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Азизиддин Насафий каби улуг алломаларимизнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари баркамол авлодни шакллантиришда биз учун энг бой манбаа ҳисобланади. Хусусан, файласуф ва шоир Азизиддин Насафий комил инсонга қўйидагича таъриф беради: "Билгилки, баркамол инсон деб шарият ва тарикат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунамсанг, бошқа ибора билан айтмайин. Билгилки, комил инсон шундай инсондирки унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маърифат".

Мир Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарига эса юксак маънавий ахлоқнинг яхлит концепцияси баён қилинган. Улуг мутафаккир кибру ҳаво, манманлик, худбинликни кескин рад этади, бунинг ўрнига ҳушавозлик, юксак дид, маърифатга, илмга ошулғалик, ватанпарварликни улуғлайди.

Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ҳамда хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли ҳулосалар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Айниқса, катталар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашсалар, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашдан, шу йўл билан улар онгига "мафқуравий иммунитет" ҳосил қилишга уринишдан чарчамасалар авлодлар ажодларимизга муносиб бўлиб вояга етиши шубҳасиз.

Авалбек ҚАЮМОВ

● ХУНАРЛИ ЭЛ ХОР БЎЛМАС

Кулолчилик ота-боболаримизнинг амалий санъатини намойиш этган касбдор. Шу боис, мамлакатимизда кулолчилик мактаблари азалдан мавжуд. Жиззах шаҳридаги кулолчилик устахонаси ҳам ана шу анъанани муносиб давом эттиряпти, десак хато қилмаган бўламиз.

Жиззах кулоллари

СОПОЛ БУЮМЛАР ТУРИ ВА СИФАТИ КЎПАЙТИРИЛАЯПТИ

Устахонага тажрибали кулол Файзулла Жўрабеков раҳбарлик қилади. Улар тайёрлаётган маҳсулотнинг сифати йил сайин ошапти. Буни ўз маҳсулотларини икки мартадан буён республика "Ташаббус" кўрик-танловига гача олиб келаётганидан ҳам билса бўлади.

— Устахонада 50 хилдан ортиқ кулолчилик маҳсулотлари тайёрланапти, — дейди Файзулла ака. — Халқимизнинг амалий санъатини ақс эттириш мақсадида устахонада тажриба ва маҳоратларини ишга солишмоқда. Кўза, гулдон, тоғора сингари лойдан пишириб тайёрланган уй-рўзгор буюмлари харидорлар томонидан севиб харид қилинмоқда. Энг асосийси, маҳсулотларимиз экологик тоза. Масалан, биз ясаган кўзалардаги ичимлик суви узоқ муддат бузилмай сақланади. Косатоклардаги таомнинг сифати яхши бўлади. Хумларда зарур нарсаларни асраш имкони бор.

Усталар ясаётган санъат намуналарига қараб халқимизнинг

тарихи ақс этаётганини аниқ ҳис қилиш мумкин. Аждоддан авлодга мерос бўлиб ўтаётган бу санъат оддий лойдан қилинаётганига ишонинг келмайди. Унинг тайёрланиш жараёнини айтмай-сизми. Жиззах заминни асосида қилинган лой тупроқни маромига келтириб тозалаш, хамирдай қилиб ишлаш — дастоҳларга қўйиб, айлантириб, турли ҳолатларга киритиш оддий кўринса-да устадан диққатли ва эътиборли бўлишни талаб қилади. Улар тайёрлаётган чойнақларда чой тезда совиб қолмайди, пиёладаги иссиқ сув қўлингизни куйдирмайди. Кейинги пайтларда усталар уй пештоқларини безайди-ган безаклар, ерга ётқизиш учун сопол плиталар ҳам тайёрлаша-япти. Бу ховлиларга ажиб тароват бағишламқда. Лойдан ясалган турли ўйинчоқлар, тасвирлар харидор диққат-эътиборини тортмоқда. Инсоннинг зоҳирий, ботиний туйғуларини ифодаловчи ҳайкалчалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Уларга зеб берил-

гач, худди жонлидай товланади.

— Биз бюртма ва талаб асосида ишлаймиз, — дейди Файзулла ака. — Уларни бажариш учун маҳсулот турларини кўпайтирмоқдамиз. Бу иқтисодий фойда олишимизни таъминламоқда. Ёшлар сафимизга келиб қўшилаётгани айниқса, коллежни эндигина тамомлаган мутахассислар устахонанинг келажакда кенгайиши, керак бўлса фирмага айланишини таъминла-са ажабмас. Уй-рўзгор учун зарур сопол буюмлар хонадонларга қанча кўп кириб борса, шунча яхши. Бу инсон саломатлиги, умрининг узаийишига ҳам таъсир кўрсатади. Биз келажакда маҳсулотларимизни музейларда намойиш этилишини хоҳлаймиз. Бунинг учун маҳсулотларимиз сифатини оширишимиз, уларда амалий санъат унсурларини кўпроқ сингдиришимиз керак.

Устахона ўртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб фаолият юритиб кел-ляди. Тадбирчиликка кенг йўл очилиб, уларни банк маблағлари билан таъминлашга имкон яратилгандан буён кулолчилик ҳам ишларида кескин бурилиш ясадилар. Маҳсулот сифати яхшилана бошланди, турлари кўпайди.

— Одамларнинг уйда ясаган маҳсулотини кўрсанг, қувонасан, — дейди Файзулла ака. — Демак, кулолчиликнинг истикболли порлоқ экан-да. Бу касбга фақат моддий бойлик ортириш кўзи билан эмас, балки маънавий бойлик сифатида қараб керак. Оддий лойдан ясалган сополларга қараб, не-не шахарларнинг ёши аниқланмоқда. Биз қилаётган гулдонларга буюк кишиларнинг расмлари чизилмоқда. Демак, кундан кунга ушбу маъсулият билан ёндашиш талаб қилинади.

Пардабой ТОЖИБОВ

● ЁДНОМА

Ижоднинг икки қаноти

ХАМ ШОИР, ХАМ ПЕДАГОГ ЭДИ

Уфқдан кўш кўтаришмоқда, шудринлар мунчоқдек товланмоқда, борлиқни ажиб бир гўзаллик чулғаб олган... Радиодан Сафо Очил шеър билан "Айтгин Гули, гул сайлига бороласанми" қўшиғи янграмоқда. Лолақизғалоқлар бир ён, қўшиқ бир ён, қалблар тўлиб-тошмоқда...



Халқимизга барҳаёт қўшиқларни армуғон этган Сафо Очил ўзбек адабиёти ва педагогика фани ривожига салмоқли хисса қўшган инсонлардан. Унинг қайси қўшиғини олманг "Айтсамми ё айтмасам", "Кўзларингга боққанымда", "Қайда", "Шайдо денглар"... бариди дилга яқинлик бор. Шунинг учун магнит тасмаларида қанча айланса ҳам меъдага тегмайди, қайта-қайта эшитгинг келаверади.

Сафо Очил сўзининг қадрини билган моҳир ижодкор эди. Шоирнинг "Айтсамми ё айтмасам" (1989), "Муборак кунлар" (1994), "Қамола етган ишк" (2002) шеърый асарлари аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланиб улгурди. Шоир ижодиётида болалар шеърини ҳам ярқ этиб кўзга ташланади.

Бола тилидан гапириш, хис қилиш унча-мунча ижодкорнинг қўлидан келавермайди. Шоирнинг "Алдасин дўстларим" шеърини сувдаги пўкакни балиқлар қанчалик ўйнамасин, лекин қармоққа илинмайди. Бола бунга табиий ҳол, деб қабул қилади. Бироқ балиқлар алдасан-да, дўстларин алдамасин дейди. Шоир бола учун дўстликдан азизроқ ҳеч нарса йўқлигини моҳирона мисраларда ифода қилади.

Сафо Очилнинг олим сифатида педагогика фани ва адабиётшуносликка оид кўплаб илмий мақолалари жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Сафо Очил узоқ йиллар республика "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйида фаолият кўрсатди. Шу даврда ўзбек тили ва адабиёти, педагогика ва пси-

хология, жисмоний тарбия фанлари бўйича юқори савиядаги ўқув ва методик қўлланмалар, дарсликлар нашр этилишига бош-қош бўлди. Олим бевосита ҳар бири икки жилдлик "Ўзбек педагогикаси антологияси" (профессор К.Хошимов билан ҳамкорликда) ҳамда "Ўзбек болалар адабиёти антологияси"нинг яратилиши ва чоп этилишига раҳбарлик қилди. Чунки у киши ўз соҳасининг чинакам мутахассиси эди.

Сафо ака ҳаёт бўлганида етмиш ёшга қўнғиланган бўларди. Афсуски, бу дунёни фаний ҳаёт дейдилар. Бироқ, ўзидан қолдирган кўплаб китоблари воситасида у киши ҳамиша бизнинг ёнимизда, исталган дақиқада юзлашамиз, суҳбатлашамиз.

Муфтилло ЮСУПОВ

ЖАРАЁН

● РЕКЛАМА ЎРНИДА

Шовот бўяни

ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

баб "Шовот бўяни" агрофирмасини ташкил қилган эдик. 2011 йилда Жанубий Кореялик Чо Чан Ки жаноблари фирмамизга катта қизиқиш билдириб, ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Фирма ҳисобига 110 минг доллар ўтказиб, бўян томирни қайта ишловчи дастгоҳлар ўрнатди. Қисқа муддатда маҳсулотни қайта ишловчи завод ишга тушди. 60 та янги ишчи ўрни очилди.

— **Иш бор жойда қийинчиликлар, муаммолар ҳам бўлади...**

— Лекин бизда айтишга арзиғулик қийинчилик, муаммолар йўқ. Сабаби заводнинг ишлаш жараёнини назорат қилиш, зарур бўлганда таъмирлаш, тайёр маҳсулотни сотишни кореялик ҳамкорлар ўз зиммаларига олишган. Иш юритувчимиз Ан Роберт тажрибали мутахассис. Ишнинг кўзини билади. Унинг кўрсатмаси билан 16 нафар касаначи билан шартнома тузди. Айни кунларда эришяётган муваффақиятларимизга касаначиларимиз

ҳам ўзларининг катта ҳиссаларини қўшаётдилар. Ҳозирги кунгача 100 тоннага яқин маҳсулотни экспорт қилдик. Йил охиригача 500 тонна маҳсулотни экспорт қилишни мўлжаллаганмиз.

— **Агрофирма фақат бўян томирни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шугулланадими?**

— Иш кўламининг анчагина кенг. Биз экин-тикин ишлари билан ҳам шугулланамиз. Масалан ўтган йили Жанубий Кореядан сувсизликка чидамли қизилмош ўсимлигини эксперимент тарзда синаб кўрдик. Натига ёмон бўлмади. Бу йил хайрғас ўсимлигини экиб синаб кўраётимиз. Агар натижа қутилганидек бўлса, Жанубий Кореялик ҳамкорларимиз бу ўсимликларни қайта ишловчи заводни ҳам куриб берамиз, дейишяпти.

— **Демак, ишлар бароридан келяпти, деса бўлади?**

— Албатта. Ҳозирги кунда Германия, Украина, Хитой, Польша давлатлари ҳам маҳсулотларимизни сўраётти. Агар улар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйсақ, агрофирмамизда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, яна



мизни сўраётти. Агар улар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйсақ, агрофирмамизда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, яна ўнлаб янги иш ўринлари очишга эришамиз.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бугунги ёшларда кенг дунёқараш, сиёсий фаоллик, эртанги кунга катта ишонч бор. Бу, албатта, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги таълим тизимида олиб борилган ислохотларнинг, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг меvasи.

Битирувчилар

УЧУН ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Дарҳақиқат, мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури" асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бугунги ёшлар замонавий ўқув даргоҳларида таълим олиш билан бир қаторда меҳнат бозори талаб қилаётган касб-хўнар сирларини пухта эгалаб, малакали мутахассис бўлиб етишмоқдалар. Шунинг учун касб-хўнар коллежлари, академик лицейлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ёки олий ўқув юртида ўқишни давом эттиришлари катта қийинчилик туғдираётгани йўқ. Масалан, Сирдарё вилоятида 2010-2011 ўқув йили якуни бўйича 44 та касб-хўнар коллежини 67 та йўналиш бўйича таъминлади. 12 минг 235 нафар битирувчидан 11 минг 991 нафарининг бандлиги таъминланди. 206 нафар битирувчи эса олий ўқув юртида таълим олишмоқда.

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд 47 та касб-хўнар коллежини 80 та йўналиш бўйича 12 минг 221 нафар ва 4 та академик лицейни 1 минг 131 нафар ўқувчи-ёшлар таъминлашди. Айни кунларда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. 3-босқич ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш бўйича вилоятдаги жами 792 та ташкилот билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Битирувчилар бандлигини таъминлашга Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежидан алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўтган йили

коллежни таъминлаган 425 нафар ўқувчи 100 фоиз иш билан таъминланганлиги, шундан 303 нафар битирувчи ўз мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримизга далил бўла олади.

— Бу йил коллежни 406 нафар ўқувчи таъминлади, - дейди коллежнинг ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари Саодат Жўраева. — Шу кунгача улар билан 3 марта сўровнома ўтказилди. 80 фоиз битирувчига иш таъин. Тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган 7 нафар ўқувчимизга кредит ажратилди.

2-педагогика касб-хўнар коллежидан эса бу йил 208 нафар ўқувчи мактабдан ва синфдан ташқари ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спорти, бошланғич таълим йўналишлари бўйича тугалландилар. Уларнинг 109 нафари ҳақ таълими йўналишида ишлаш истагини билдирган. Мазкур коллежда ҳам 80 нафарга яқин битирувчининг иши аниқ.

Хуллас, Сирдарё вилоят касб-хўнар коллежлари бошқармасида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишган киши хўнарли одам кўчада қолмаслигига амин бўлади. Бу вилоят касб-хўнар коллежларида таълим-тарбия бугунги кун талаби даражасида ташкил қилиниб, малакали мутахассислар тайёрланаётганлигини нишонлади.

Ў.АБДУЛЛАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ЭЪТИРОФ

"Бухоро" аэропортининг яна бир ютуғи

Халқаро фуқаро авиациясининг "Аэропорт" ассоциацияси томонидан "Бухоро" халқаро аэропорти йилига 100 минг нафардан зиёд йўловчига хизмат кўрсатадиган авиакороналар орасида 2011 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди.

Нуфузли танловда голиб чиққан "Бухоро" халқаро аэропорти бундай юксак эътирофга 2008-2009-2010 йилларда ҳам сазовор бўлган эди.

1999 йилда "халқаро" мақомга эга бўлган "Бухоро" халқаро аэропортида ўтган давр мобайнида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Уч-кўнчи йўлақлари таъмирланди, перронлар сони кўпайтирилди. 2011 йилда бу ерда энг замонавий ва юқори технология усуналар билан жиҳозланган, соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган янги аэровокзал қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур аэровокзалда халқаро андозаларга жавоб

берадиган VIP ва СIP заллари, она ва бола хонаси, тиббий пункт, авиакассалар, валюта айирбошлаш шохобчаси, почта бўлими ва бошқа қўлпаз хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Бугун "Бухоро" халқаро аэропорти нафақат кун сайин кўпайиб бораётган мунтазам рейслар, Балки Европа, Америка ва Осиёнинг кўплаб давлатларидан сайёҳларни олиб келаётган чартер рейсларга ҳам хизмат кўрсатаётган.

— Ўтган йили аэропортиимиз қарийб 102 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатди, - дейди авиакорона штаби бошлиғи Садриддин Бадриддинов. — Бу 2010 йилга нисбатан 107 фоиз кўпдир. Бундан ташқари, почта ва юк ташиш, пуллик бағаж жўнатиш ҳажмлари ҳам рақаддагидан 15 фоиз ошди. Авиакороналар сони ҳафтага еттигача кўпайиб, айни пайтда 27 тага етди. Янги йўналишлар очилди. Мамлакатимиз пойтахтига рейслар сони кўпайди. Натигада жорий йилнинг биринчи чорагида 30 минг 879 йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу 2011 йилнинг шудаврига нисбатан 7 фоиз зиёддир.

Э.ЁДГОРОВ, ЎА мухбири

● ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" қизгин паллага кирган айни кунларда Ғаллаорол туманидаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида "Яшил чироқ", "Чорраҳадан ўтиш қоидалари", "Светафор ишоралари" каби қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда.

«Яшил чироқ»

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН АНА ШУНДАЙ МАВЗУДА МАШҒУЛОТЛАР ЎТҚАЗИЛМОҚДА



Тажрибали педагог Лутфулла Бекмирзаев VII* ва VII* синф ўқувчилари билан "Диққат, пидеда!" мавзусидаги машғулоти ўтказаркан, майдонча сахнида пидедаларнинг қатнови учун "кўча", "чорраҳа", "светафор" каби ўндан ортиқ йўл ҳаракати белгилари олдидан чизиб чиқилди. Ўғил-қизлар гуруҳларга бўлиниб, бир-бирига саволлар беришди ва қониқарли жавоб олишди. Улар

йўл ҳаракати белгиларига қандай амал қилиш кераклигини кўрсатишди. Машғулот давомида кўлаб кўргазмалар кураб ва тарқатма материаллардан фойдаланишди. Машғулот сўнггида барча гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги ва давоматининг яхши эканлиги таъкидланди.

Бу ерда ўқувчилар кўча ҳаракати қоидаларини ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар ёрдамида ўрга-

нишлари учун алоҳида хона ажратилган. Деворларда йўл ҳаракати белгилари, атрибутлар жамланмаси ва турли стендлар осилди. Ўқувчилар ўзаро мусобақалар ташкил этиб, устозлари кўмагида суратлар кўргазмасини ўтказиб, деворий газеталар чиқаришмоқда. Бунда айниқса, юқори синф ўқувчиларидан Шаҳзод Сандиев, Фурқат Донабоев, Адиба Қаршибоева ва Мафтунга Бекмирзаевлар бошқаларга ўрнак бўлмоқда. III-IV синфлар ўғил-қизлари эса устозлари ва ота-оналар кўмагида "Светафор", "Йўлингиз бехатар бўлсин!", "Диққат, болалар!" стендларини янгиладилар.

Мактаб ҳовлиси ёнгинасида транспорт қатнови серҳаракат бўлганлигидан шу ўқув йили бошидаёқ жамоатчилик постлари фаолият кўрсата бошлади. Вилоят ДАН ходими, майор Шавкат Миржалолов ўқувчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб бормоқда. Ўқувчилар ҳамкорлигида "Самарқанд" маҳалласида яшовчи ота-оналар билан ҳам суҳбатлар ўтказилди.

Шунингдек, тумандаги 90-иқтидорли болалар нафис санъат мактаби ва "Қалдирғоч" номли 1-МТМ тарбияланувчилари ўртасида ҳам "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" намунали олиб борилмоқда.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

● СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Нотариат

УНИНГ ВАЗИФАСИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Танишни ўзига тегишли 1 хонали квартирасини қизи ва кўёвига нотариал идора орқали расмийлаштириб берган экан. Кейинчалик ўзроқ келишмовчиликлар оқибатида унинг қайтариб олмақчи бўлганини, бунинг эса қонун нуқтаи назаридан сира иложи йўқлигини айтиб олиб қолди. Менга нотариат тушунчаси, унинг вазифалари ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Тўра ХОЖИЕВ, Жондор тумани

Нотариат — лотинча "notarius" сўзидан олинган бўлиб, "хат ёзувчи қотиб" маъносини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари орасида нотариат ҳам ўз ўрнига эга. Бинобарин, нотариат амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни амалга оширувчи, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий институтдир.

Нотариус ўз вазифасини турли хил битим, васиятнома, ишончнома, ҳужжатлар нусхаси ва имзонинг ҳақиқийлигини, фуқаронинг муайян манзилда эканлигини кўрсатувчи фактларни тасдиқлаш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос, мол-мулкни қўриқлашга доир чоратадбирлар кўриш, ижро хатларини ёзиш каби нотариал ҳаракатларни бажариш йўли билан амалга оширади.

Фуқароларимиз учун бошқа давлатларнинг ҳудудида бу вазифани бажариш Ўзбекистон Республикаси консуллик мунасабаларининг ушбу ҳаракатларини амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари — яъни консулларга юклатилган. Давлат нотариал идораларининг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади.

Нотариал идораларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — нотариал фаолиятни амалга оширишда муносабатларнинг низосиз ҳал этилишидир. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида бевосита фуқаролар билан мулоқотга киришиб, шубҳа туғдирмайдиган, бошқа шахсларнинг манфаатларига пугур етказмайдиган ҳаракатларни амалга оширадilar. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя

қиладилар. Амалётда шундай ҳолатлар учрайдикки, нотариуслар фуқароларга муайян бир битимнинг ҳуқуқий оқибатини харчанг тушунтиришга ҳаракат қилишмасин айрим одамларимиз ушбу ҳолатга юзакки ёндашиб, натижасини чуқур ўйламасдан қарор қабул қилишди. Кейин эса ушбу битимни бекор қилиш учун турли хил баҳона ва жабр билан тегишли ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасида эса бундай аризаларни бекор қилиш ёки қайтариб олиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Демак, нотариал ҳаракат нафақат нотариуслар, балки унинг иштирокчисини бўлган ҳар бир шахсдан юксак эътибор, ҳуқуқий онгни талаб қилади.

Муҳаммадҷон ОЧИЛОВ, Жондор туман 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

● НИГОҲ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ақсинча, ўз замонаси адабиётини кескин танқид тигиға олади. Айни пайтда эса адабиётга кириб келаятган ёш ижодкорларга катта умид билан қараб: "Айрим ёшларнинг хом ва ғализ ишлари менда кўнглидагини яширмай, очик-ойдин, самимий гап айтишга уриниш сифатида ёқимли таассурот қолдиради", "Навқирон адабиётдан биз чиройли сўзлар эмас, самимийлик кутиб қоламиз", деб эътироф этади.

Ҳ.Ҳессе ҳар бир замон ўз сиёсати, ўз аъмоллари, ўз моддаларига эга бўлгани каби, ўз адабиётига ҳам эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. У тарихни ўрганишда адабиётнинг ролига катта баҳо беради. Ўз билимларининг адабий асарлардан ўрганимиз, "бутун билиминини шоирлардан олганман" дейди у. Шарқ адабиётига алоҳида муҳаббат, хусусан, хинд ва хитой мифоло-

Ҳерман Ҳессенинг қалб таълими

гиясига катта қизиқиш ҳам айнан унинг шахси ва ижодида хос хусусиятлардандир. Шу ўринда унинг 1911 йилда Хиндистонга қилган сафари натижасида ёзилган "Сиддхартха" романи ("Хинд достони") Шарқ фалсафаси ва маънавияти эътирофининг меvasи эканини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш жоизки, биринчи жаҳон урушидан кейин Европада юзага келган танглик ва бекарорликдан Ҳессенинг руҳи баттар чўкади. Шу даврда унинг хаёти ва ижодида сиёсатни ҳам, жамиятни ҳам, тамадунни ҳам инкор этиш кайфияти кескинлашди. Адиб асарларининг қахрамонлари тимсолида тамадунни ана шу таназзулдан олиб чиқиш учун психоанализга, Шарқ тафаккурига таяниш керак, деган даъватни илгари судари. Бинобарин, ўша даврда Европада шарқшуносликка эътибор яна қайтадан интел-

лектуал урфга айланган эди. Шу тариха 1920 йили башар ахли учун ниҳоятда зарур бўлган эзгу ғоялар, инсонпарварлик ва меҳр-муҳаббат тараннум этилган "Сиддхартха" асари нашрдан чиқди.

Ҳассос ёзувчи маънавият масалаларига айрича бир синчковлик билан қарайди. Бу ўринда Ҳ.Ҳессенинг: "Маънавият ишларида алоҳида айрим шахс кўпчиликл олдида ҳамisha кучлидир" деган ниҳоятда ўткир фикрини келтиришининг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз. Аҳамиятли жиҳати шундаки, адиб ижоди руҳий-маънавий ва дунёвий хаёт уйғунлиги ғояси ниҳоятда юксак даражада тараннум этилгани билан таҳсинга сазовордир. Муаллиф ўз асарларида адабий ижоднинг юксак дунёсини "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан қай тарзда сақлаб қолиш мумкинлиги каби оғир ва чигал

муаммоларга ечим топишга интилган. Ҳессе ўзининг асаридан-асарига кўнган илғор ғояларини муттасил ривожлантириб борар экан, шундай муҳим ҳулосага келди: санъатни жамиятдан устун, жамиятдан ташқари деб билиш, охириқабатда, санъатни мақсадсиз ва маслаксиз бир ўйинга айланттириб қўяди.

Ҳ.Ҳессе шухратпарастликини қаттиқ танқид қилади. Унинг фикрича, ҳар бир одам шухратпараст — зоҳид ҳам, ўзидан шубҳаланадиган одам ҳам. Ёзувчининг бу борадаги фалсафий мушоадалари кўпинча ёмби ҳикматли ибораларда ўз тажассумини тоғгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Мана шундай ҳикматлардан бири: "Ҳеч ким ақлий меҳнат билан шугулланадиган киши-чалик шухратпараст, маъқуллашга ташна эмас, аслида ҳам унга муносабат ва

мақтов жуда зарур".

У миллий тилда (немис тилида) сўзлашиб, миллий либос кийиб, миллий урф-одатларни билиш ва уларга амал қилишни хаёт тақозоси, деб ҳисоблайди. Шу туфайли адиб: "Майда гулли қорсаж (хотин-қизлар кўйлагининг белдан юқори қисми), ип ўтказилган ўзига хос йигма енглар, ажойиб чепчик (аёллар бош кийими)ларни кўриб, болалик чоғларимни эсладим" деб завқ ва ифтихор билан ёзади. Ҳ.Ҳессенинг фикрича: "Ўз тилини яхши билмаган, уни севиб ардоқламаган, парваришламаган ва ҳимоя қилмаган халқнинг шоири бўлиш уятдир".

"Қурортдаги киши" қиссаси адибнинг Цюрих яқинидаги курорт шаҳарча — Баден билан боғлиқ хотираларига бағишланган. Мазкур қисса ўткир иборалар, нозик киноя

ва тағдор қочиримларга бойлиги билан ўқувчининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлиши шубҳасиз. Қисса давомида адиб ўзининг гоҳ қувмоқ, гоҳ маҳзун кайфиятини маромига етказиб, афоризм даражасига кўтарилган юксак иборалар билан тасвирлайди. Мисол учун, у руҳий кўтаринкиликнинг энг қанотбахш лаҳзасида ҳам, шундай қувончли дамларнинг хушбахт онларида ҳам ўз ботинидаги "жонга теккан овоз"нинг, яъни ақл-идрокнинг ўчмагани ҳақида тўхталиб: "Албатта у, ақл-идрок овози бизга зарур бўлса-да, унга ҳамisha ҳам қулоқ солавермаймиз" деб очик-ойдин тан олади.

Ҳ.Ҳессе курортта борган кишининг дам олиш учун хона танлашидек оддий-одатий бир ҳолат устида фикр юритар экан, бу борада танлов-панловдан воз кечиб, ўйланиб ўтирмас-

дан шартта таваккал қилиб қўя қолиш маъқул экани, бироқ одамзот бундай бамаъни йўл тутмаслиги хусусида шундай теран фалсафий хулосани илгари суради: "Туғилишдан оқ тақдир-қисматимиз олдиндан белгилаб қўйилганлигини ва унинг муқаррар эканлигини наҳотки билмаймиз, биламиз, лекин шунга қарама-масдан танлаш иллюзиясига, ирода эркинлигига жонжаҳдимиз билан ёпишиб оламиз".

Адиб бассейн четидидаги биргина сўлғин япроққа, унинг қирра ва чизикчаларига қараб туриб: "Ҳузалик ва ўлим, шодлик ва фонийлик бир-бири учун зарур ва бир-бирига сабабчи эканлиги нақадар ҳайратланарли ҳол!" деган ҳаяжонли битикларни ўқир экан, ўзининг "табиат билан руҳ ўртасидаги чеғара"ни чуқур ҳис эта олишига китобхонни яққол инонтиради.

Ақмал САИДОВ, профессор

(Давоми бор)

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Табиат хатоликларни кечирмайди

Сув — ҳаёт манбаи дейишади. Курраи заминимизнинг учдан икки қисми сувдан иборат бўлса-да, миллионлаб одамлар ҳанузгача оби-ҳаёт етишмовчилигидан азият чекмоқда. Аҳоли сони ўсиб бориши сайин бу муаммони ечиш янада қийинлашиб бораверади. Кўпгина давлатлар ўз худудидан оқиб ўтувчи дарё суви йўналишини ўзгартириш режасини ишлаб чиққан. Хитой, Ҳиндистон ва Бангладешда яшовчи қарийб 1,35 миллиард аҳолини сув билан таъминловчи Брахмапутра, Инд, Иравади, Салуин ва Меконг дарёларини қурғоқчил худудларга буриш, ГЭСлар бунёд этиётгани минтақадаги табиат хатоликларини шифо қилишига ўз таъсирини ўтказаяпти.



га олиб келади. Хитой ҳозир йилга 2 минг 800 квадрат км., Ҳиндистон 1 минг 900 квадрат км., Бангладеш эса 1 минг 210 квадрат км. чўчқ сув истеъмол қилмоқда. Бангладеш уларга нисбатан сув захирасига бойки, қитъадаги кичик давлатни 8,4 метр баландликда сув қопласа бўлар экан. Маҳаллий аҳоли сувнинг 15, Хитой 19, Ҳиндистон 33 фоизини ишлатмоқда.

Хитой экологларининг ҳулосасига кўра, Тибетдан оқиб келувчи дарёларни шимол ва жанубга буриш гоёси табиий ҳалокатларга олиб келади. Чўчқ сувлар ўзанини ўзгартириш оқибатида Бенгалия кўрғазидидаги шўр сув аҳолиси зич туманларни қоплайди, қолаверса, шолчиликни барбод қилишидан хавотирлик билдирилмоқда. Янзи (Уч жилга) ГЭСи қурилиши поёнига етгач, асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи бангладешликларнинг ташвиши янада ортиши тайин. Устига устак, жанубий-шарқий Осиёдаги йирик давлатларга эса иқтисодий вазиятни изга солиш, қочқинлар муаммоси билан шуғулланишга тўғри келади.

Гидрометеорологларнинг сўзларига кўра, Хитой шимолидаги иқлим ўта қуруқ, Янзи эса Хуанхэ ва Хай дарёларига нисбатан тўлиб-тошиб оқади. Шу боис, Янзи дарёси соҳилларида тез-тез тошқинлар юзага келаятганлигининг гувоҳига айланамиз. Янги лойиҳани тadbик этиш учун 59 миллиард доллар маблағ ажратилган. Сув ресурсларини жабудан шимолга йўналтириш лойиҳасини тadbик этиш ишларини мувофиқлаштириш билан шуғулланаётган ХХР давлат кенгаши девонидидагиларнинг айтишича, 2002 йилдан буён Хэнань ва Ху-

бэй виллоятлари ўртасида жойлашган Даньцзянку суви омбори худудидан 430 мингга яқин аҳоли бошқа худудга кўчирилди. Шимолий худудларда юзага келган сув ресурслари тақчиллигини ҳал этиш мақсадида 2013 йилда Шарқий йўналишининг биринчи навбати ишга туширилади. 2014 йилдан эса Марказий йўналиш бўйича истеъмолчиларга сув етказила бошланади.

Кавказдаги Кура дарёсини кўпчилик яхши билади. Туркия томони дарёнинг бош қисмида "Бешиққоя" лойиҳаси асосида гидроэлектростанция каскади ва сув омборлари қуришни режалаштирмоқда. Агар бу иш амалга ошадиган бўлса, Кура ўз йўналишини Туркия худудидан дарёсига ўзгартириш хавфи бор. Қўшни Озарбойжондаги Мингечаур суви омбори сатҳи ҳам камайиб кетиши ҳеч гап эмас.

Дарё оқимидан фойдаланиш тартибини ўзбошимчилик билан ўзгартириш кўплаб муаммоларни келтириб чиқарар экан, демак бу масалада бирон қарор қабул қилишда, жумладан гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда биринчи галда, трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқларнинг манфиатлари албатта инобатга олинishi лозим. Айни масала бўйича трансчегара дарёларидан фойдаланишининг асосий тамойиллари белгилаб берилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этиш ўринлидир.

БМТнинг 1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Трансчегара суви оқимлари ва халқаро кўллари муҳофазасида қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Конвенцияси, БМТ Бош Ас-

самблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган «Халқаро суви оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенция ана шундай ҳужжатлар сирасига киради. Мазкур халқаро ҳужжатларда суви оқимларидан барча давлатлар «ўзининг тегишли худудлари чегарасида халқаро суви оқимларини адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари» назарда тутилган. Уларда, шунингдек, халқаро суви оқимларидан давлатлар томонидан ўз худудидан фойдаланганда «суви оқимидаги бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чора-тадбирларни қўриш», зарар етказилган ҳолатда эса «бундай зарарни тугатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳофиза қилиш учун» тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Агар ушбу ҳужжатлар келтириб чиқарар экан, демак бу масалада бирон қарор қабул қилишда, жумладан гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда биринчи галда, трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқларнинг манфиатлари албатта инобатга олинishi лозим. Айни масала бўйича трансчегара дарёларидан фойдаланишининг асосий тамойиллари белгилаб берилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этиш ўринлидир.

Европадаги энг йирик Рейн дарёси 9 давлат - Германия, Швейцария, Франция, Нидерландия, Австрия, Люксембург, Италия, Лихтенштейн, Бельгия худудларидан ўтади. Кўп асрлар мобайнида дарё ўзинини суви равишида ўзгартиришга уринишлар бўлган. Бироқ бу хатти-харакатий салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Яъни бир неча бор юз берган суви тошқинлари кўплаб талофатларга сабаб бўлган. Яқинда Испания ҳукумати Эбро дарё-

сини буриш лойиҳасини амалга ошириш борасида Европа Иттифоқидан 24 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратилишини сўраган. Испанлар мамлакат жанубидаги экинзорларни суғориш, соҳиллардаги курорт хавзаларини сув билан таъминлаш ниётида. Лекин, Еврокомиссия ушбу лойиҳани инкор этиб, маблағ ажратилишдан бош тортган. Чўчқ бу лойиҳа тоғли туманлардаги қишлоқларни чўктириб юборишга олиб келади. Боз устига мутахассислар сувининг ярми йўлда буғланиб кетишини айтишмоқда. Яъни, бир кубометр денгиз сувини чўчқлаштиришга нисбатан икки баробар қимматга — бир доллардан орттиққа тушаяпти.

Ривожланаётган мамлакатларда 1,2 миллиарддан орттиқ аҳоли тоза ичимлик сувидан бебаҳра қолмоқда. Қўнига ифлос суви истеъмол қилиш оқибатида 6 мингдан 10 минг нафаргача бола ҳаётдан кўз юммоқда. Демографларнинг ҳисоб-китобига кўра, яна 50 йилдан сўнг ер юзи аҳолиси 9,4 миллиард нафарга етганидан сўнг суви тақсимлаш борасида жиддий муаммолар юзага келади. 2025 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун қўшимча 250 кубометр сув керак бўлади. Бунинг учун Нилга ўхшаш ўнта дарё керак. Россия дунё чўчқ суви захирасининг 20 фоизига эга. Москваликлар ва пойтахт аҳолиси қўнига 380 литр, Копенгагенда 134 литр, Вашингтонда эса 190 литр чўчқ суви ишлатилмоқда. Ер юзи аҳолисини бир йил давомида тоза суви билан таъминлашга 36 миллиард доллар маблағ зарур.

Яна Хитой ва Ҳиндистондаги суви муаммоларини ҳал этиш борасидаги масалага қайтсак. Хитой шимолидаги кўпчилик фермерлар Янзи дарёси сувининг қачон келишини кўтиб ўтирмасдан, ўз даласи ва уй томларига полиэтилен маҳсулотини ёйиб, ёмғир сувларини йиғмоқда. Ҳиндистонда азалдан суви қандай сақлаш ҳадисини олишган. Карнатака штатида ёмғир сувларини тўплашга мўлжалланган ўн минглаб кичик резервуарлар ўрнатилган. Ҳозир улар ташландиқ ахволда. Раджастан штатида эса эски резервуарлар таъмирланиб, аҳоли истеъмол қилиш учун унга суви таъминлаб қўйилган, экинларни ҳам суғорилади. Жанубий Америкадаги йирик мамлакатлар ҳукуматлари ҳам дарёларни буриш лойиҳаси ишда фалол қатнашмоқда. Бразилия Сан-Франсиску дарёсини қурғоқчил туманларга буриш лойиҳасини тadbиклади. Гидроресурслар бўйича миллий кенгаш қурилиш учун 1,7 миллиард доллар маблағ ажратди. Бу худудда узунлиги 400 ва 250 километрдан иборат иккита канал қазилди.

Дарёларнинг юқори қисмида тўғон, ГЭСлар қуриш ёки уларнинг табиий йўналишини ўзгартириш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Айниқса, трансчегаравий дарёлар сувида фақат ўз манфаатини қўлаб қўйиш эса халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига зиддир. **Азимжон ПЎЛАТОВ**

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Кучли тошқин


Бразилиянинг Амазонас штатида бир ойдан буён давом этган ёғингарчилик туфайли саксон мингдан зиёд турар-жой биноси вайрон бўлган.

Хабарларга кўра, кучли тошқин оқибатида штатнинг 32 шаҳридаги электр ва суви узатиш тармоқлари ишдан чиққан, экин майдонлари, кўплаб ташкилот ва идоралар суви остида қолган. Ҳозир 15 минглаб одамлар хавфсиз худудларга кўчирилмоқда. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш ҳамда зарар кўрган оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус гуруҳ тузилган.



Идишлар қадоқланмайди

АҚШда болалар озуқа маҳсулотларини пластик идишларга қадоқлашни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тарқатилган хабарларга қараганда, пластмасса идишлар ва қўтилар таркибидеги бисфенол А моддаси маҳсулот сифати бузилишига сабаб бўлади. Олимпларнинг фикрича, ушбу захарли модда кўпроқ гўдакларнинг суи маҳсулотлари қадоқлангандагина идишларда учрайди.



Ишсизлик даражаси ортмоқда

Италия ва Испанияда ишсизлик даражаси тобора кўпаймоқда. Маълумотларга кўра, Италияда сўнгги 11 йил ичида ишсизлик даражаси илк бор 9,6 фоиздан ошган. Ҳозир мамлакатда жами ишсизлар сони 2,5 миллиондан зиёд. Испанияда жорий йилнинг биринчи чорагида ишсизлар сони қарийб 370 мингга кўпайди. Мамлакат миллий статистика институти тарқатган маълумотларга кўра, айни пайтда ишсизлар сони 5 миллион 650 минг (мамлакат аҳолисининг 25 фоизи)ни ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, 2012 йил охиригача ишсизлар сони яна олти юз мингга ортиши мумкин.



Етмишдан ошган кўриқдан ўтади

Японияда автомобиль ишқибозлари учун янги қонун қабул қилинган.

Унга кўра, ёши етмишдан ошган ҳайдовчилар доимий тиббий кўриқдан ўтиши зарур. Тегишли ҳаётда кексаларнинг хотираси заифлашгани маълум бўлса, улар ҳайдовчилик гувоҳномаларидан маҳрум этилади. Хабарларга қараганда, автоҳалокатларнинг аксарияти айнан кекса ёшдаги ҳайдовчилар томонидан содир этилмоқда. Японияда бундай қариялар сони 7 миллиондан ошади.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Мексика шимолида АҚШ, жануби-шарқда Белиз ва Гватемала давлатлари билан чегаралашган. Мамлакатини шимоли-ғарбда Калифорния бўғози ҳамда Тинч океани, шарқда эса Мексика кўли ва Кариб денгизи юзиб туради.

КИСҚАЧА ЭКСКУРС

Узоқ йиллар давомида Испания мустамаклаки бўлган Мексикада 1824 йили янги мустақил федератив республика ташкил топди. Тўғри, ҳукумат ва катта эрлар мулк сифатида креоллар (мустамаклаки испанларнинг Мексикада туғилган биринчи авлоди) эга чиққан. Бироқ шундай бўлса-да, барча фуқаролар тенг ҳуқуқли деб эълон қилинди. Гарчи креолларнинг диктатураси ва фуқаролик уруши яна бир неча ўн йилларга чўзилган бўлса-да, Мексика мустақиллигини қўла қиритди.

Мамлакат қадимий цивилизация макони ҳисобланади. Майя ва ацтек хиндуларининг маданияти бугунги кунда ҳам тadbикотчилар томонидан кенг ўрганилмоқда. Этнологларнинг эътирофи экишича, мамлакатдаги 62 этник гуруҳдан иборат хиндуларнинг 30 таси ўз тилини сақлаб қолган. Мексика аҳолисининг замонавий этник таркиби 3 гуруҳдан иборат: европаликлар, маҳаллий хиндулар ва африкаликлар. Статистик маълумотларга кўра,

аҳолининг 40 фоизи асосий бешта минтақада (Мехико — 14 млн., Мехико федерал округи — 8,7 млн., Веракрус — 7,1 млн., Халиско — 6,6 млн. ва Пуэбла штатларида 5,4 млн. киши) истиқомат қилади. Жанубий қуйи Калифорния штати мамлакатнинг энг кам аҳоли яшайдиган қисми ҳисобланади. Бу ерда бор-йўғи 512 минг киши яшайди.


МЕХИКО
Сайёрамизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Мехико Мексика пойтахти ҳисобланади. БМТ маълумотига кўра, шаҳар аҳоли сони бўйича (19 миллионга яқин) дунёда иккинчи ўринда туради. Шаҳарга 1325 йили ацтек хиндулари асос солган. Дастлаб, шаҳар Теночтитлан деб аталган. Бу сўз мазкур маҳаллий тилда «кактус қоясининг уйи» деган маънони англатади. Мехико мамлакатнинг деярли марказида, Мексика тоғлиқларининг жанубий қисмида, денгиз сатҳидан 2234 метр баландликда жойлашган. Мехикони ҳар тарафдан тоғлар ўраб туради. Иқлими субтропик. Январ ойидаги ўртача ҳарорат

+12°С, июлда +16°С.

Мехико мезморий ёдгорлик ва музейларнинг кўпчилиги билан дунёга танилган. Ҳақиқатдан ҳам шаҳарда ҳайкал ва мезморчилик бинолари (1400 дан зиёд) жуда кўп. Шу боис, дунёнинг ҳеч бир шаҳри Мексика пойтахти билан тенглаша олмайди. Мехико худудидидаги 10 та археологик боғ дунё цивилизациясида муҳим ўрин тутди. Шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларига миллоддан аввалги 450 йилда бунёд этилган ацтеклар эҳроми, Миллий кафедрал собор (1563-1667 йил), Хесус Насаре но госпитали биноси, ўз-ўзини идора қилиш органи саройи (1720 йил), шунингдек, бугунги кунда президент қароргоҳи ва мамлакат парламенти жойлашган миллий сарой (1792 йил) каби иншоотлар киради.

Замонавий мезморчилик иншоотлари ичида ҳам қўришга арзиғулик бинолар бор. Масалан, университет шаҳарчаси, Олимпия стадиони, 1930-1970 йилларда қурилган аҳоли турар-жой бинолари ва албатта, футбол ишқибозларининг маскани бўлмиш улкан «Ацтека» стадиони (1968 йил) мамлакатнинг энг кўркам иншоотлари сирасига киради. Умуман олганда, шаҳарда яна 20 та катта-кичик футбол майдонлари мавжуд. Қолаверса, Мехико университетлар шаҳри ҳисобланади. Лотин Америкасидаги олий ўқув юртлири орасида энг йирик ва нуфузли Мек-

Мексика



Пойтахти Мехико. Аҳолиси 112 миллиондан орттиқ. Майдони 1958201 км²

сика миллий автоном университети ҳам айнан шу шаҳарда жойлашган. Мехико метрополитени ўзининг кўп йўловчи ташуши билан дунёга машҳур. У кўнига 4 миллион йўловчига хизмат кўрсатади. Бу борада у дунёда учинчи ўринда (Москва 7.5 млн., Токио 5.9 млн.) туради. Мексика пойтахти 1955 йили иккинчи панамемерика ўйинлари, 1968 йили 19-олимпиада ўйинларига ҳамда

1986 йили футбол бўйича жаҳон чемпионатида мезбонлик қилган.

МҮМИЁЛАР МУЗЕЙИ
Гуанахуато шаҳрида жойлашган ушбу музейда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида дафн қилинган одамларнинг мўмиёланган жисми сақланади. Музейда мавжуд 111 та мўмиёдан 59 таси экспозицияга қўйилган. Маълумотларга қараганда, 1865 йилдан 1958

йилга қадар мамлакат фуқаролари қабристон худудидан ётган яқинлари учун солиқ тўлаш жорий этилади. Табиийки, ушундан бундай солиқни тўлашга ҳамма-нинг қўрби етмаган. Шу боис, шу пули тўланмаган қабрлар бошқа жойга кўчирилган, аввалдан мўмиёланган жасадлар эса қабристон яқинидаги бинода сақланган. Ўша воқеалардан сўнг, тўғрироғи, 1969 йили Мўмиёлар му-

зейига расман асос солинади.

Мексикадаги яна бир кўзга кўринган маданий маскан Чапультепек боғи худудида жойлашган Миллий антропология музейидир. Бу ерда ўта ноёб археологик ва антропология экспонатлар коллекцияси сақланади. Музей биноси 1963 йили архитектор Педро Рамирес Васкес томонидан лойиҳалаштирилган. Музей 23 та кўргазмалар залидан иборат. Зонтсимон бетон устунлар бўйлаб оқиб турувчи суви шаршара ва ички ҳовли музейга ўзгача тароват бағишлайди. Салкам 8 гектар майдон эгаллаб турган музейда месоамерика санъати, майя, ацтек, ольмек, тольтек, сапотек ва Мексика худудида яшаган бошқа халқлар маданияти ҳақида сўзлайди.

ЧАПУЛЬТЕПЕК БОҒИ

Мехиконинг қоқ марказида жойлашган боғ шундай номланади. Маҳаллий халқ тилидан таржима қилинганда боғ номи «чигирткалар тепалигида» деган маънони беради. Мазкур боғ Америка худудидида мавжуд энг катта шаҳар боғларидан бири ҳисобланади. Унинг майдони 800 гектарни ташкил қилади. Ацтеклар даврида бу ер император қароргоҳи бўлган. Ҳозирги кунда боғ оддий инсонлар ихтиёрига топширилган. Шу боис, унинг худудидида Миллий антропология музейи ва Хайвонот боғи ҳам фаолият юртиб келади. **Зафар МУХАММАД**

КЎЗГҮ



Асрий анъаналарга замонавий нигоҳ

ДОИРАСИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бешинчи мартаба ўтказилган “Асрлар садоси” эрта тонгда Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа тумани ва Нукус шаҳрида халқ сайиллари билан бошланди. Ўтмиш ва келажакнинг бир кўрғонда учрашуви иштирокчиларда ўзгача ҳайрат ва шижоат уйғотди, десак адашмаймиз. Фестиваль доирасида ташкил этилган тадбирларда минг йилликларнинг садоси эшитилди, гўё. Катта санъат анжуманининг биринчи кунини қадим Тупроққалъа шаҳарчаси жўшқин маданият байрамига маҳлиё бўлган сайёҳлар, тарихчи олимлар бугун бу ерга кўчиб келгандек. Шу билан бирга, юртимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлардан вакиллар, таниқли санъат арбоблари, тадқиқотчилар ҳам ҳозир бўлишди. Аслида ушбу маскан нафақат юртимиз, балки Ўрта Осиё ҳудудидаги энг қадимий иншоотлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз жаҳон цивилизацияси ривожига ўз ўрнига эга бўлган маданият бешиқларидан бири бўлган. Тупроққалъа. Бу тарихий маскан ўтмиш ва келажакни бир жойда туташтирувчи кўпчи воситасини ўтамоқда, десак аниқлимаймиз. Шу кунини дилдорлар, жозибали наволар қалъа узра садо берди. Унинг жаранги бутун юртимиз узра акс-садо бергандек бўлди. Бетақор

ижод маҳсулларидан таралаётган тафт кўнгилларга илиқлик олиб кирди. Маҳорат дарслари, эътиборга молик мавзулар иштирокчиларни бирлаштириб турди. Иштирокчилар ўзларини гўё қадимги шаҳар деворлари оша тарихнинг сирли кўчаларига киргандек ҳис қилдилар.

Эва Сомс БАХ, «Casa Asia» халқаро жамоатчилик маркази вакили:

— Мен Ўзбекистонга келишни кўпдан бери орзу қилардим. Қорақалпоғистонга келишим, Тупроққалъани томоша қилишим мен учун қутилмаган совға бўлди. Тупроққалъа тарихий ёдгорлиги билан танишиб, халқингизни шаҳарсозлик бўйича жуда катта тажрибага эга эканлигига амин бўлдим. Қум ва лойдан шундай мураккаб, аниқ мақсадларга хизмат қилувчи мажмуанинг қурилгани ноёб маданият намунаси дур.

Бугунги бетақор маданият анжумани бир умр хотирамда сақланиб қолади.

“Асрлар садоси” — анъаналарга замонавий нигоҳ. Олим, санъатшунос, мутахассис ва хорижлик меҳмонлар бежиз фестивалга нисбатан шундай таъриф беришмаяпти. Тупроққалъа ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган маданият фестивали дастлаб халқ сайиллари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, бадиий амалий санъат асарлари кўргазмалари, миллий ўйинларни ўз ичига олган дастурлар билан бошланди.

Қорақалпоғистондан “Гулзар”, “Жайхун шамоллари”, Қашқадарёдан “Маҳаллада дув-дув гап”, Навоийдан “Ёр-ёр”, Фарғонадан “Кўкун ёр-ёри” каби йиғирмадан зиёд фольклор ансамбллари, этнографик жамоалар иштирок этди.

Ушбу кенг қамровли лойиҳа халқимизнинг анъана ва удумлари, амалий санъати, халқ оғзаки ижоди ва миллий ошхонаси турли-туман ва бетақор эканлигини намойиш этиб келмоқда. Буни фестивалга таширивчи бу юрган деярли ҳар бир хорижлик меҳмон эътироф этди.

Марит ФОСС, «Diva International» журнали бош муҳаррири:

— Барча тадбирлар жуда ажойиб ўтмоқда. Менда Ўзбекистонга яна келиш истаги туғилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби тарихий шаҳарларни томоша қилиб тўймайсан. Уларда сақланаётган қадимий бой маданий мерос, осори атиқалар, инсониятнинг олис ўтмишидан ҳикоя қилади. Айниқса, Тупроққалъа ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Миллий либосларингизни ҳар бири, нақшлари, ранглари, тикилиш элементлари кишини лол қолдиради. Анъаналарни асраб-авайлашга қаратилган бундай фестивалларни ўтказиш гоят қизиқарли ва керакли, деб ўйлайман. Ўзидаги миллий маданий меросни кенг халқ оммасига кўрсатишда “Асрлар садоси”нинг ўрни беқиёс. Кўплай давлатларда бўлганман, аммо, бундай катта иштиёқ билан ўтган

анжумани илк бора кўришим. Келгуси фестивалларда ҳам иштирок этиш ниятидаман.

Нукус шаҳрида фестиваль доирасида миллий мусиқа асбоблари устaxonаси музейи очилди. Соҳа бўйича амалий семинар ҳам ўтказилди. Бу устaxonада 35 йилдан буён миллий мусиқа соҳасини яшас билан машғул бўлиб келаётган Озод Ўтарбоев иш олиб боради.

Озод ЎТАРБОВЕВ, уста:

— Бу ердаги ҳар бир сознинг ўз тарихи ва ясалиш услуби бор. Мен қарийб 35 йилдан буён шу ҳунар билан шуғулланаман. Устaxonани очишдан мақсад Қорақалпоқ мусиқа асбобларини тиклаш, ясаш билан бирга ёш ижрочиларни ҳам вояга етказиш иборат. Кўплай шогирдларим бор. Миллий устaxonанинг очилишидан хурсандман. Энди иш кўламимиз янада кенгайди. Кўпроқ ёшларни жалб қиламиз. Юртимизда миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар қайта тикланаётганидан хурсандимиз.

Хорхе Иван ЭСПИНАЛ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Ўзбекистон ўз маданий тарихига эга бўлган қадимий юрт. Унинг ўрганилмаган саҳифалари, ўзига хос моддий ва номоддий бойликлари кўп. Биз Ўзбекистон билан анчадан буён ҳамкорлик қилиб келамиз. Кўплай муваффақиятларга эришдик. Бугунги музейнинг очилиши эса ҳунармандчиликни ривожлантиришга хизмат қилувчи дастлаб-авайлашга қаратилган бундай фестивалларни ўтказиш гоят қизиқарли ва керакли, деб ўйлайман. Ўзидаги миллий маданий меросни кенг халқ оммасига кўрсатишда “Асрлар садоси”нинг ўрни беқиёс. Кўплай давлатларда бўлганман, аммо, бундай катта иштиёқ билан ўтган

халқ илдиэларида умумий ўхшашлик борлигидан далolat берадиган кўплай маълумотларга эга бўлдим.

Жаҳонга машҳур И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи анъаналар, санъат, тарих ва ҳозирги куннинг ўзига хос чорраҳасига айланиб улгурган “Асрлар садоси” фестивалининг наватбади манзил бўлди. Ўзбекистоннинг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланган мазкур музей қадимий маданият ва замонавий санъатни ўзида акс эттирган асарлар жамланмасидан иборат. Ана шундай экспонатларни томоша қилган меҳмонлар “Орол бўйи: худуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари” мавзусидаги семинарда ҳам қатнашдилар. Унда худуднинг замонавий қиёфаси ҳақида батафсил сўз юритилди. Ўзига хос маданий мерос, анъаналар, экология, ижтимоий ҳаёт масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фестиваль доирасидаги бугунги семинарда бир қатор янги мавзулар ҳам ўртага ташланди. Энг асосийси, худуднинг ер ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ масалалари диққат марказида бўлди. Бугун дунёдан келган олимлар тўплаши, экологик вазиятни яхшилаш, орол бўйи аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Фестивалнинг илмий-амалий жиҳати ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Худуднинг археологик топилмалари, санъати, ноёб маданияти ва сир-асрорлари санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмади. Шунингдек, анжуманда, миллий либослар фестивали, амалий санъат кўргазма-ярмаркаси, анъанавий халқ ўйинлари, миллий кураш ва ошпазлар беллашувлари бўлиб ўтди. Халқ сайиллари, таниқли санъаткорлар ижросидаги гала-концерт иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Тупроққалъадаги икки кунлик фестиваль таассурот ва ҳаяжонга бой, унутилмас ва эсда қоларли бўлди. У иштирокчиларга Ўзбекистоннинг қадимий анъаналари, ноёб маънавий мероси ва санъати, тупроқ бағрида кўмилиб ётган асл маданиятимизнинг мўъжизалари билан юзмаюзи бўлиш имконини берди.

Эркин Йўлдош, “Milliy tiklanish” мухбири

гар” стадиони, Навоий спорт коллежи заллари ҳам беллашувлар олдида сифатли таъмирланди.

“Умид ниҳоллари-2012” спорт ўйинлари финал босқичини ўтказишда иштирокчилар ва меҳмонларни қулай турар жой билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда спорт шаҳарчаси ҳудудида барпо этилган 100 ўринли турар-жой биносидан меҳмонлар учун барча имкониятлар муҳайё этилган. Бундан ташқари, мусобақаларда иштирок этадиган мингдан ортиқ спортчи ёшлар, мураббийлар, журналистлар, ҳакамлар учун меҳмонхона ва ётоқхоналар, ошхоналар таъмирдан чиқарилиб, янги жиҳозлар билан таъминланмоқда. Жумладан, шаҳардаги “Навоий”, “Ешлик” меҳмонхоналари, “Қизилқумцемент” ОАЖ, “Навоийазот” ОАЖ ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги сикатгоҳлар, НДПИ, НДКИ талабалар турар-жойларида меҳмонларнинг тўлақонли дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Хуллас, мактаб ўқувчиларининг бу катта спорт байрамини ушшоқлик ва кўтаринки руҳда, уларнинг ёдида бир умр қолади-ган тарзда ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Зеро, бу қизгин фаолият келажакда минглаб иқтидорли спортчиларни кашф қилиши шубҳасиз.

Ўралой ТУРДИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

ЎГИТ

Орзуга сабр орқали эришилади, шошилиш билан эмас.

Касб-хунар соҳиби мол топади.

РИВОЯТ

Икки насиҳат

Илм талаб шогирд устоздан сўради: — Устоз ҳаётда нимага яқинлашиб, нимадан қочмоқ керак? Устози жавоб берди: — Болам, бу ҳаётда доимо яхшилар суҳбатига йўлдош бўлгин. Мудом илм излагин. Ҳалол, камтарин, маърифатли ва омадли инсонларга яқинлашгин. Уларнинг қалбидаги нур сенга ҳам юқади. Ҳаётдан, одамлардан ибрат олиб яшашни ўрган. Саволингни иккинчи қисмига келсак, нияти бузук, бахил ва ичи қора одамлардан доимо йироқ юр. Бемаъни, фойдасиз, ақл ва тафаккурни хиралаштирадиган суҳбат ва давралардан узоқ бўл. Яхшилиқни қадрига етмайдиган, одамлардан фақат камчилик изловчи, ўз манфаати йўлида ҳар қандай ёмонликдан тонмайдиган кимсалардан қоч.

БИЛАСИЗМИ?

Тадқиқотларга кўра, харид учун дўконга борган аёлларнинг 90 фоизи киришдан ўнг томондаги расталардан харид қилишни бошлайдилар.

“Каратэ” сўзи “бўш қўл” деган маънони англатади.

ТУРФА ОЛАМ

Икки камерали смартфон

SAMSUNG КОМПАНИЯСИ ЯНГИ GALAXY III СМАРТФОННИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТДИ.

Мазкур смартфон 4,8 дюймли Super AMOLED экран билан жиҳозланган. Аппарат 16,32,64 гигабайт хотирага эга бўлиб, корпуси кўк ва оқ рангда бўлиши қутилмоқда. Янги смартфон Android 4.0 воситасида бошқарилади. Шунингдек, смартфонда иккита олд ва орқа камералар мавжуд. Ундаги овозли бошқарув тизими ҳам компания ходимлари томонидан янада такомиллаштирилган. Galaxy III смартфоннинг оғирлиги — 133 грамм, корпусининг қалинлиги — 8,6 мм., смартфон аккумуляторининг сиғими 2100 миллиампер-соатни ташкил қилади.



Тугмачасиз соат

АМЕРИКАЛИК ПОЛ САММИТ ЯРАТГАН СОАТ БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТДА ЖИРИНГЛАЙДИ, БИРОҚ, ЭГАСИ УЙКУДАН БАТАМОМ УЙГОНМАГУНЧА ОВОЗИ УЧМАЙДИ.

Стивенс университетидан ишловчи 25 ёшли муҳандиснинг айтишича, энг аввало бундай соатни ўзига ўхшаб тонгда ухлашни ёқтирадиганлар учун яратган. Бирок, қутилмаганда унинг уйкубермас соати Kickstarter компанияси раҳбариятига маъқул тушади. Ҳозирда ушбу соатлар Ramos белгиси остида ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, бундай уйкубермас соатнинг тугмачаси умуман йўқ. Унинг овозини ўчириш учун соат панелдаги кодни кўл ёрдамида ўзгартириш зарур. Табиийки, кодни ўзгартириш учун уйкудан кўз очган одамнинг бор уйкуси ҳам ўчиб кетади.



Митти қаҳва қайнатгич

БОР-ЙЎғИ 10 ТОМЧИ СУВ СИҒАДИГАН МЎЪЖАЗГИНА ҚАҲВА ҚАЙНАТГИЧ БЎЙИГА 2,5 САНТИМЕТР КЕЛАДИ.

Италиялик заргар Пьетро Мармо уни соф қумушдан ясаган. Қаҳва қайнатгич митти бўлишига қарамай, атиги 25 сония ичида иссиқ ичимликни оби-тобида тайёрлай олади. Қолаверса, бундай қаҳва қайнатгич массаликларни тежашини айтмайсизми. Ахир унга бир чимдимгина қаҳва ва ўн томчи сув кетади, ҳоло. Митти қаҳва қайнатгич Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган, италиялик заргар айна дам-да бошқа қимматли металллардан чой ичиш учун мўлжалланган буюмлар ясаш билан овора.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Газетанинг келгуси сони 23 май кунини чиқади.

“УМИД НИҲОЛЛАРИ-2012”



Нуфузли мусобақалар олдида...

бош-қош. Гулларга бурканган шаҳарнинг бугунги қиёфаси чиндан-да кўнгилларни яратгудек нурафшон. Шаҳарнинг “Умид” кўрғонидан ички йўллар таъмирланиб, кўчалар широр ва паннолар, тадбир байроқлари билан безатилганки, бу хайрли ишларда ҳақиқий фидойилликни, юрт ишига камарбасталикни сезасиз. Навоий спорт коллежи ёнида ўн бир мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланиб барпо этилган янги спорт мажмуасини кўриб кўзингиз қувнайди. 2011 йилнинг апрель ойида қурилиши бошланган бу замонавий спорт мажмуасида сўнгги пардозлаш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Ташқи томондан қара-

ганда ўзига хос маҳобатга эга бўлган иншоот атрофларидаги яшиллик, турфа гуллар галереяси ҳамда мўъжаз тунги ёриткичлар кўнгилдан бошланган ободликнинг ёрқин ифодасидир.

Мажмуа асосини умумий майдони 14,8 гектардан иборат марказий ўйингоҳ ташкил этади. Яшил майса билан қопланган ўйингоҳнинг ўриндиқлари ҳам ўзига хос мустаҳкам ва жаҳон андозаларига мос тарзда қурилган.

Шарт-шароити тўқис мазкур спорт мажмуаси таркибидан баддий ва спорт гимнастикачилари учун қурилган 2 та спорт зали Германияда ишлаб чиқарилган жиҳозлар билан таъминланган.

Бундан ташқари мажмуада Олий спорт маҳорат мактаби учун алоҳида 7 та спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди. “Паҳлавон” фирмаси курувчилари томонидан бунёд этилган бу муазам иншоот 5251 метр квадрат майдонга эга бўлиб, бу ерда болалар маҳоратли мураббийлар раҳбарлигида қилибозлик, юнон-рум кураши, дзюдо, бокс, волейбол ва оғир атлетика каби спорт турлари бўйича шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

“Сугдиёна” ЖТСКга қарашли “Олтин сув” сузиш маркази, НДПИ ҳузурдаги компьютер технологиялари академик лицейининг спорт зали, “Кимё-



Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг финал босқичига ҳам оз фурсат қолди. Аввал хабар берганимиздек чинакам чинқиш, ҳақиқий прова ва маҳорат синови бўлган бу нуфузли беллашувларга бу гал Навоий шаҳри мезбонлик қилади.

Айни пайтда вилоятда мазкур тадбирга тайёргарлик қўрилмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари